Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 50 (7. 139) 1990 йил 1 март, пайшанба Баҳоси 3 тийин

ДЕПУТАТ—ҲАММА ИШГА БОШ-ҚОШ!

Азиз депутатлар!

Жумҳуриятимиз бутун мамлакатда бўлганидек ниҳоятда мураккаб, зиддиятли бир даврни бошидан кечирмоқда. Ана шундай оғир шароитда халқимиз сизларга юксак ишонч билдирди. Бу йилги сайлов ҳаммангиз учун ҳақиқий синов бўлди. Эндиликда халқ ҳокимиятининг янги Советлари ўз ишини бошлаш арафасида турибди. Янги сайланган депутатлар фаолиятига, уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатига ҳамма умид боғлаяпти.

Халқимиз турмушининг қанчалик ночор эканлигини яхши биласиз. Уй-жойлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб ва касалхоналар етишмайди, дўкон ва бозорларда қимматчилик, 9 миллион аҳолининг жон бошига оладиган даромади кун кечириш учун зўр-базўр етади. Бизда ҳозир бир миллиондан ортиқ ишсиз бор. Атроф-муҳит, табиатнинг мувозанати бузилган. Орол фожиасидан ҳаммамиз ташвишдамиз.

Шу каби кўплаб муаммоларни ҳал этиш Ўзбекистонимизда қайта қуришнинг бош мезонидир.

Республикамизда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган бир қатор катта тадбирлар айнан шу мақсадга қаратилган. Пахта якка-ҳокимлигига чек қўйилаяпти, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи оз бўлсаям ошаяпти. 1,5 миллионга яқин қишлоқ оиласи ўз томорқасини кенгайтириб, уй-жой қуриш учун қўшимча ер олди. Ссуда ва қурилиш материаллари ажратиш тобора кўпайтирилмоқда. Бошланғич синфлар ўқувчилари ва касалманд ҳомиладор аёлларнинг қўшимча бепул овқатланиши учун ўнлаб миллион сўм маблағ ажратилди. Қариялар ва ногиронлар учун нафақалар оширилаяпти, интернат уйлар шароитини яхшилаш чоралари кўриляпти.

Шаҳар ва қишлоқларимизни қайта қуриш, уларни газ ва ичимлик сув ҳамда бошқа зарур ҳаётий эҳтиёж воситалари билан таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Пойтахтимиз Тошкентни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш программаси ҳам шу жумладандир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР, РАЙОН, ПОСЁЛКА, ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛ СОВЕТЛАРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА

МУРОЖААТ

Атроф-муҳитни соғломлаштириш мақсадида Янги Қўқон химия заводи, бошқа ўнлаб зарарли корхоналар ёпилди. Аҳолини иш билан таъминлаш учун кичик шаҳар ва қишлоқларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи турли фабрика ва цехлар, район марказларида, бевосита хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш комбинатлари қуриляпти.

Халқимизнинг асрлар давомида кўз қорачиғидек сақланиб келган урф-одатлари, тили ва маданияти, ақида ва анъаналарига эътибор кучайди. Яқинлашиб келаётган «Наврўз» байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Тарихни эъзозлаш келажакни ўйлаш демакдир. «Мерос» деб аталган давлат ҳаракат дастури амалга оширила бошланди. Юртимизда яшовчи барча миллат ва эллатларнинг вакиллари ҳам ўз миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун тобора кўпроқ имкониятга эга бўляпти.

Ҳали халқ хўжалигининг барча соҳаларини тубдан ўзгартириш, такомиллаштириш, уларни биринчи навбатда турмуш учун зарур моллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш борасида жуда катта ишлар қилиниши керак.

Ёшларга эътибор кучайди, уларнинг қозирги кунда энг зарур бўлган ихтисосларни эгаллаши учун тегишли шарт-шароит яратиляпти. Барча вилоятларимизда иқтидорли болалар учун махсус интернат-мактаблар очиляпти. Истеъдодли ёшларимизга мамлакатимиздаги, чет эллардаги энг нуфузли ўқув ва илмий марказларда таълим олиш учун йўлланмалар бериляпти. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида ўз ифодасини топган.

Кўп ишлар қилиняпти, лекин тўғрисини айтиш керак, бутун мамлакатимизда, жумҳуриятимизда кечаётган оғир вазиятдан ўзларининг тубан мақсадлари йўлида фойдаланаётган кимсалар ҳам бор. Улар ҳаммамизга аён камчиликларни рўкач қилиб, одамларни айниқса ёшларни гиж-гижлаб, тўс-тўполонларга даъват этяптилар, фожиали воқеалар, миллатлараро низолар, ҳунрезлик, жаҳолат ва адоват содир бўляпти.

Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Сиз билан биз ана шу ҳикматга амал қилиб, халқимизни ҳаттоки, бало-қазога гирифтор қилмоқчи бўлаётган, унинг тақдирини гаровга қўйиб бўлса ҳам, ўз мақсадларига эришишни истаётган ана шундай кимсаларнинг тажовузидан асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.

Бу борада депутатлар зиммасига айниқса катта масъулият юкланади. Ахир, сизлар халқнинг мухтор вакилларисиз. 70 мингдан ортиқ депутат чакана куч эмас. Энди ҳар бир вилоят ва шаҳарда, район ва қишлоқда ҳокимият сизларники. Биринчи қадамларингиз ҳосиятли бўлсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва ҳукуматидан то қишлоқ Советларигача раҳбариятга кимларни сайлашимиз керак? Албатта, улар ким бўлишидан қатъи назар, партия аъзосими, йўқми, энг ишбилармон, энг адолатли, энг иродали, халқ учун ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр кишилар бўлиши керак. Бунга ишончимиз комил. Халқимиз етти ўлчаб бир кес, дейди. Демак, барча Советларда раҳбариятга сайланадиган номзодларни шошма-шошарлик билан юзаки муҳокама қилмай, қуруқ гап ва ваъдабозликка йўл қўймай, оддий қилиб айтганда, саралаб танлаш шарт. Токи, уларнинг ҳар бири халқ тақдири учун масъуллигини, жавобгарлигини биринчи кундан, дастлабки қадамларданоқ ва бутун фаолияти давомида астойдил ҳис этсин, халқ ишончини амалий ишлар билан исботласин.

Ҳаммамизга халқ фаровонлиги йўлида толе ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ҲАМДА СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти лавозимини таъсис этиш зарур, деб ҳисоблансин.

2. СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси асос деб қабул қилинсин.

3. СССР Олий Совети Президиумига СССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарининг доимий комиссиялари билан биргаликда СССР Олий Совети сессиясида айтилган таклифлар ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, мазкур қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш топширилсин.

Аниқлик киритилган Қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинсин.

4. СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди муҳокамасига тақдим этилсин.

СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 27 февраль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧИНЧИ СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:** қари учинчи Съезди 1990 йил 12 март куни
СССР халқ депутатларининг навбатдан таш- Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 27 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АЙРИМ РАЙОН ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА СОНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР таркибида баъзи районларнинг тикланиши ва айрим областлар ҳамда Тошкент шаҳри маъмурий-территориал бўлинишидаги бошқа ўзгаришлар муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми **қарор қилади:**

1. Қайтадан тикланган районлар территориясида жойлашган сайлов округларидан сайланган район Советлари депутатлари халқ депутатлари тегишли район Советларининг депутатлари, хусусан: собиқ Наримонов шаҳри территориясида жойлашган сайлов округларидан халқ депутатлари Тошкент область Советига сайланган депутатлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутатлари, Наримонов шаҳар Советига сайланган депутатлар эса Тошкент шаҳар халқ депутатлари Бектемир район Советининг депутатлари деб белгилансин.

2. Андижон область халқ депутатлари Ленинск шаҳар Совети, Бухоро область Навбаҳор ва Навоий районлари Советлари, Самарқанд область Большевик район Совети, Жиззах область Зарбдор район Совети, Фарғона область халқ депутатлари Сўх район ва Фарғона шаҳар Советларига истисно тариқасида йигирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатлар сайлови натижаларига кўра ўз таркибида иш кўришга рухсат берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 23 февраль.

Алоқалар мустаҳкамланмоқда

Афғонистон Республикаси Деҳқонлар кооперативлари уюшмасининг раиси Нур Ваҳоб Сапанд Тошкентда бўлди. Унинг ташрифи совет—афғон савдо муносабатлари тарихидаги муҳим санага тўғри келди. Бундан етти йил илгари, 1983 йил март ойининг бошларида Термиздан Ҳайратонга совет товарлари туркуми илк бор Амударё устида қурилган янги кўприк орқали жўнатилган эди.

— Ўшандан буён ҳар иккала мамлакат ўртасидаги амалий савдо алоқалари муттасил ривожланиб мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Нур Ваҳоб Сапанд. — Биз Совет Иттифоқининг кўпгина минтақаларидан, жумладан, Ўрта Осиёдаги барча республикалардан товарлар харид қиламиз. Афғонистондан ҳам мамлакатингизга турли юклар юборилмоқда. Ўзбекистоннинг ўзигина Афғонистон Республикаси Деҳқонлар кооперативлари уюшмаси, Афғонистон Республикаси савдо министрлигининг «Дўстӣ» фирмаси билан, шунингдек, «Барат», «Тошқўрғон», «Хон ширин Ғанизода», «Паки кишмиш Навоий» хусусий коммерция фирмалари ва бошқа фирмалар билан амалий алоқа ўрнатган.

— Сиз Тошкентга келишдан олдин Москвада бўлдингиз. Ушбу сафар натижалари қандай бўлди?

— «Центросоюз» раиси П. С. Федирко билан учрашув фойдали бўлди. Асосий йўналишлар — айниқса, чегара районларида кооперативлар ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш, иш тажрибасини ўртоқлашиш, кадрлар ўқуви ва стажировкасида ёрдамни ривожлантириш юзасидан аҳдлашувга эришилди. «Центросоюз»нинг техникавий ёрдамида Кобулда сабзавот ва мева сақланадиган йирик улгуржи савдо базаси қурилиши ниҳоясига етмоқда.

«Союзвнешторг» вакиллари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Тошкентда эса биз «Ўзбекбирлашув» вакиллари билан, «Ўзбеккоопвнешторг» бирлашмасининг бош директори С. Л. Тонянц билан суҳбатлашдик. Ўзбекистон ва Афғонистон кооператорлари ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари муаммолари муҳокама қилинди. 1990 йилги битим лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур битим биргаликдаги фаолиятимиз дастури бўлади.

Айни пайтда Тожикистон ва Туркманистон матлубот кооперациясининг вакиллари ҳам биз билан учрашиш учун Тошкентга келишди. Улар билан ҳам ўзаро фойдали ҳамкорлик тўғрисида дастлабки аҳдлашувга эришилди.

И. АЛИМОВ, ЎзТАГ мухбири.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ФАСЛИ БАҲОР!

Ассалому алайкум, кўркам, кўмкўк ва дилбар Кўкламнинг фаслини қарши олаётган Азизлар!

Она-Ватанимизда улуғ покланишт бораётган шу мўътабар кунларда тўқсонинчи йилнинг Баҳори бошланди. Шоир айтганидек, «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор». Табаррук бу кунларга етганлар шу кунларга етмоқ насиб этмаганлар хотирасини дилга жо этиб, «Ҳаёт чашмаси тинмасин» дея Баҳорга пешвоз чиқадилар.

Шукрона айтиб, кўм-кўк Кўкламга етиб келганимиз севинчига яна бир карра: «Ассалому алайкум, фасли Баҳор!» деб бағримизни очамиз. Бепоён Ватанимизда, қуёшли диёримизда инсон тақдири ва юрт истиқболи киприкка илиниб турган кўз ёшидек, гул баргига қўнган тонг шудринги томчисидек мусаффо кўриниб келяпти. Долзарб шундай даврда Ватан ва Халқни истиқболли меҳнату нурафшон манзилга чорлаб илиқ нафаси, яшил либоси билан зеболаниб фаслларнинг келинчаги — Баҳор келаяпти. Бободеҳқонлар бу ойни таърифлаб: «Ҳут кирди — Ер тубига дуд кирди», дейишган. Бу гапда табиат ҳикмати бор. 5 февралдан Қиш чилласи — қирқ кунлик қаҳратон қайтиши билан кунлар илиб, изғиринли кунлар кам бўлади. Ҳут бошланиши билан ҳароратдан илиган ердан аста-секин ўт-гиёҳлар яшиллик кўрсатиб, табиатни безашга киришадилар. Гулчечаклардан — бойчечак, бинафша, момоқаймоқ, ялпиз, чучмомалар яшнаб, баҳор мусиқасига тебранадилар. Мудроқ қиш уйқусидан уйғонган тоғлар, боғлар, далалар, томорқа-хиёбонлар, гулу гулзорлар гулгун чеҳра очадилар. Гиёҳлар, буғдой-ю арпа, сабзавот майсалари яшил бўй кўрсатадилар.

Баҳорнинг чиройли либослари Қуёшнинг эрталаб чиқиши, кеч ботиши билан жилоланиб боради, зеро бу ойда кун узайгандан узайиб бориб, 21 мартда — Наврўзи олам бошланган кунда кеча ва кундуз тенглашади. Баҳор фаслининг шу ойида — 21 мартдан бошлаб қадимий Янги йил байрами — Наврўзи олам нишонланади. Бу йилги Наврўз жуда тантанавор бўлади. Жумҳуриятимиз Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ҳукуматимиз Наврўз кунини — Дам олиш куни этиб белгилади. Бу тадбир халқимизга ғоят катта руҳ бағишлади. Айни кунларда ҳамма жойда Наврўз шодиёнасига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Кўча, майдон ва хиёбонларга кўчатлар ўтказиш, ариқ-анҳорларни тозалаш, гулзорлар барпо этиш, ҳовли-жой, боғ-томорқаларини тартибга келтириш каби Баҳорги юмушлар қизитиб юборилди.



БАҲОР, СОҒИНТИРИБ КЕЛИШИНГ ЯХШИ

Наврўз кунлари эса бағри кенг ва меҳмондўст халқимиз тўкин дастурхонлар ёзиб, эртаклнамо «Очилдастурхон» ҳам тузайдилар. Пазандаликда қиёси йўқ кишиларимиз баҳорнинг илк неъматлари — ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, момоқаймоқ, йўғичқа, жағ-жағ, барра беда каби, камида «етти кўкат»дан патир, чучвара, сомса, манти, варақи, қатламалар тайёрлашади, дошқозонларда ҳалим, сумалак, димлама, қўқатли шўрва ва қовурмалар пиширилади. Шаҳримиздаги 300 дан ортиқ маҳалларда, кўп қаватли турар жойлардаги тўйхоналарда, боғ-хиёбонларда ва истироҳат боғларида, куй, қўшиқ, рақс, аския, турли ўйинлар бўлади, турли миллат-элатлар шодиёна Наврўз байрамига файз-тароват киритишади. Тинчлик, дўстлик, аҳиллик ва биродарлик анъаналарининг соғинниб нишонланаётган Наврўз байрамимизда яна ҳам ёркин намоён бўлади.

Халқимиз тўй-шодиёнани, жамоа бўлиб боғ яратишни, меҳнат нашидасини, меҳмондўстликни, бағри кенгликни севади. Бу йилги сайловлар, анжуманлар, муаммоли масалаларни тинч-осойишта ҳал этишлар халқимизнинг сабр-қаноатли, инсоф-адолатли иродасини кўрсатиб турибди. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида куни-кеча бўлиб ўтган улуғвор Кенгашда ҳам халқ қудратига жуда ажойиб баҳо берилди.

Дарҳақиқат, халқимизнинг куч-қудрати, чин дўстликни қадрлаши билан белгиланади. Зеро, Шарқнинг энг қувончли байрамларидан бири — Наврўзни жумҳуриятимиздаги барча халқлар билан бирга шодиёна ва тантанавор ўтказамиз.

Ҳар бир фаслнинг ўз хислати бор, деганларидек, оппоқ кумуш қиш зимистонлари зериктириб қўйганда, гулбаҳор фаслининг соғинтириб келиши яхши. Навбаҳорни соғинган ҳар бир софдил инсонга қарата шундай дил сўзларини изҳор этамиз:

1990 йилнинг файз-латофатли Баҳори муборак бўлсин, азизлар!

Тўлқин РАСУЛЕВ.

«ОҚШОМ» ДЎСТЛАРИ ДАВРАСИГА МАРҲАМАТ!



Шаҳарда Тошкентнинг «Оқшом» газеталари дўстлари клубини ташкил этиш ҳақидаги таклиф қизиқиш билан қарши олинди. Ҳали у расмий равишда ташкил этилмаган бўлса ҳам аниқ таклифлар олина бошланди...

«Оқшом» дўстларининг клубини ташкил этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз.

Аммо ҳар қандай клуб учун энг аввало бинор хона керак бўлади. Клуб аъзолари ана шу ерда газеталарнинг мухбирлари билан учрашишлари, шаҳар ҳаётининг муаммолари, редакцияларнинг, меҳнат коллективларининг фаолиятига доир турли материаллар ҳақида суҳбатлашишлари мумкин бўлар эди. Биз учрашувларни «Миконд» заводининг партия комитети ҳузуридаги «Мулоқот» клубида ўтказишни таклиф қиламиз. Айтмоқчи, бизнинг ишчиларимиз ҳозироқ «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» ходимлари билан учрашишга тайёр.

«Мулоқот» клубининг аъзолари».

Шундай қилиб, редакцияда «Оқшом» дўстларининг клубини ташкил этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаган коллективларнинг вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ҳозирча улар кўпчилик эмас, аммо, ҳарқалай хайрли ишга қўл урилди.

Учрашувда редакция ходимлари клуб қандай бўлиши ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Биринчи навбатда у «Оқшом» газеталарининг ижодий коллективини ўқувчиларни энг кўп қизиқтираётган мавзуларни танлашга сафарбар этиши керак. Меҳнат коллективларининг, газета обуначиларининг журналистлар фаолиятига бераётган баҳоси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари редакция муайян муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради, клуб билан биргаликда район ва шаҳар миқёсида турли тадбирларни ўтказади.

Ўз навбатида меҳнат коллективларининг вакиллари учрашувга вакил қилиб юборган кишиларнинг нуқтаи-назарини баён этдилар.

Мисол учун «Нафосат» ёшлар марказининг вакили М. Кагарлицкий редакцияга газета саҳифаларида энг сўнгги хабарларни бериб бориши, кичик бўлса ҳам шаҳар корхоналари, ташкилотлари фаолиятидаги ижобий тажрибалар ҳақида кўпроқ ҳикоя қилиши, шу йўл билан газетхонларни, барча тошкентликларни мавжуд нуқсонларни, долзарб муаммоларни ҳал этишга фаол жалб этиши муҳим эканлигини таъкидлади. Ўз ўқувчилари билан мустаҳкам алоқасиз редакция бунинг уддасидан чиқиши амри-маҳол бўлса керак. Шунинг учун «Оқшом» дўстларининг клуби Тошкентнинг барча аҳолисида фаол ҳаётий нуқтаи-назарни шакллантиришда бағоят катта роль ўйнаши мумкин.

«Миконд» заводининг вакили О. Малюшко «Оқшом» газеталарини заводнинг деярли барча ходимлари ўқишини маълум қилиб, «Мулоқот» клуби аъзоларининг таклифини тасдиқлади. У ташкил этилаётган «Оқшом» дўстларининг клуби бош мақсадларидан бири ҳаётимизда пайдо бўлаётган жамики янги, илғор нарсаларни, ўз тараққиётининг мураккаб босқичини бошидан кечираётган партияни қўллаб-қувватлашдан иборат, деб таъкидлади.

«Семург» фирмасининг тикувчи-мотористкаси Р. Моллахонова коллектив номидан «Оқшом» дўстларининг клубини ташкил этиш ҳақидаги таклифни деярли барча ходимлар қўллаб-қувватлашди, деб маълум қилди. Бу ташаббусни корхона меҳнат коллективи кенгаши ҳам маъқуллади.

Учрашув қатнашчилари клубни ташкил этишга доир аниқ таклифларни ҳам киритишди. Биринчи ташкилий мажлисга тайёргарлик бошланди.

С. АЛЕКСЕЕВ.

СУРАТДА: учрашув қатнашчилари «Оқшом» редакциясида.

Р. Шарипов сурати.

ШОДЛИК УЛАШАЁТГАНЛАР

Шаҳримиз кўчаларидан бўйлаб кезсангиз, ҳар бир қадамда гулдаста кўтариб қаёққадир ошиқаётган кишиларни учратасиз. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг яқин кишиларини, таниш-билишларини яратиш ва яшнатиш фасли — баҳорнинг биринчи куни билан қутлашга ошиқмоқдалар. Дўконларда эса гуллар савдоси қизимоқда.



— Онажоним гулни яхши кўрадилар, — дейди ўзини Шерзод деб таништирган йигит. — Бугун уларнинг туғилган кунлари. Шунинг учун ҳам энг чиройли, энг яхши гулни харид этиш мақсадида дўконга кирган эдим. Буни қарангки, бу ердаги ҳамма гуллар бир-биридан қолишмас экан.

Пештахталарга разм соламиз. Ундаги турфа гуллар бир қарашдаёқ одамни ўзига мафтун этади. Сотувчилар эса харидорларга холис хизмат кўрсатиш билан банд.

— Бундай магазинлар шаҳримизда 13 та, — дейди «Тошкент гуллари» фирмасининг директори Абдулазиз Муҳримов. — Яна тўртта савдо растамиз ва етти дўкончамиз бор. Уларнинг ҳаммасида қишин-ёзин баҳор таровати уфуриб туради. Айниқса, шу кунларда савдо шоҳобчаларимизга янада файз кирган. Гуллар савдоси авжига чиққан. Баҳор — муборак айёмлар фасли. Ҳадемай, мунис онажонларимизнинг, меҳрибон опа-сингилларимизнинг байрами — 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни. Қутлуғ санани одатдагидек ўзига хос нишонлашга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйдик. 1 мартдан 8 мартгача фирмамизга қарашли барча магазинлар, савдо расталари ва дўкончаларида 120 минг дона чиннигул сотувга чиқарилади. 130 минг дона лола. 40 минг дона нарцис, 10 минг дона атиргул ва 150 минг дона фрезия савдо шохобчаларимиз орқали ҳамшаҳарларимизга етиб боради. Гуллар савдоси метронинг «Халқлар дўстлиги», «Октябрь инқилоби» ва М. Горький номли бекатларида ҳам ташкил этилади. Бу маҳсулотларнинг 80 фоизини Чилонзор районидаги манзарали богдорчилик совхози етказиб беради. 20 фоиз гул Калинин районининг Калинин номли колхози, «Хасково» совхози ва ҳамкорликда бошқа хўжаликлардан олинади.

Баҳорнинг биринчи кунида «Тошкент гуллари» фирмаси ҳамшаҳарларимизга ўзининг яна бир хизматини тавсия этди. Бугундан бошлаб шаҳримизда мевали дарахт кўчатлари сотила бошланди. Бу холис хизматдан боғ томорқа ишларига кўнгил қўйганлар, шаҳримизни кўкаламзорлаштиришга ўзига хос ҳисса қўшаётганлар айниқса беҳад мамнун бўлишмоқда. Фирма орқали ҳамшаҳарларимизга яқин кунлар ичида 12 минг туп гилос, 10 минг туп шафтоли, 5 минг туп нок, 8 минг туп олма, 3 минг туп ўрик, 2 минг туп ёнғоқ ва 5 минг туп олхўри кўчати етказиб берилади. Бу кўчатлар аҳоли гавжум жойларда машинада келтирилиб сотилади. Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари «Ўрикзор» турар-жой даҳасида ҳам кўчат савдоси уюштирилади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

⊙ ГУЛ СОТАМАН, ГУЛ СОТАМАН. 2-гул дўкони сотувчиси Нафиса Йўлдошева.

Т. Каримов сурати.

ШАҲРИМИЗНИ ГУЛГА БУРКАЙМИЗ

Ҳаммамизга маълумки, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида боғ-роғлар, узумзорлар яратиш, манзарали ва бошқа кўчатлар экиш икки ойлигини ўтказишга бағишланган жумҳурият кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча аҳолисига мурожаат қилиб уларни шаҳарлар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириб, янги боғлар, узумзорлар ва ўрмонзорлар яратиш, мавжуд дов-дарахтларни соғломлаштириш юзасидан ўтказиладиган икки ойликда зўр ғайрат билан фаол иштирок этишга чақирдилар. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳам — 20 февралдан 20 апрелга қадар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш икки ойлигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу сафар шаҳримизга 312,3 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтқазилади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Келинг, маҳаллаларимизга, уйимиз ва ишхонамиз атрофларига кўчат ўтқазиб, шаҳримизни обод қилишга ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Аҳмад ФАЙЗИЕВ.

⊙ Навбаҳор фаслига бағишланган бошқа мақолаларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

КОРХОНА маҳсулоти Ўзбекистоннинг барча ерларига юборилади. Макаронлар, вермишеллар, тешик қулчалар, турли-туман ширинликлар, шарқнинг анъанавий қандолатларини ҳамма ерда жонжон деб сотиб олишади. Тошкентликлар эса ҳар куни ўз дастурхонларини турли хил нонлар, тортлар, ширинликлар билан тўлдирадилар...

Айтганча, корхонага билдирилаётган эътирозлар ҳам етарли. Харидорлар норози бўладиган, савдо ташкилотларидан шикоятлар тушадиган адолатли ҳоллар ҳам бўлиб туради. Буни корхонанинг ўзи ҳам тан олади. Лекин бу ерда ўз камчиликларини шунчаки қайд этиб қолмай, айни вақтда тузатишга ҳам интиладилар. Ишлаб чиқаришнинг таъмирлай бошланганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Аслида одатдаги вазият юзага келганди: 1962 йилда иш бошлаган ушбу корхона қарийб 30 йилдан бери йиртиқ-ямоғини ямаш билан овора. Ўша вақтда неча йиллардан бери ишлаб келаётган бир қанча корхона унинг таркибига кирганди. Энг катта ва замонавий бош корхонагина янги қурилган ва 1971 йилда ишга туширилганди. Орадан шунча вақт ўтди, бош корхона биноси ҳам анча эскирди, харидорларнинг кўпайиб қолган эҳтиёжларини қондира олмай қолди. Бошқа ишлаб чиқаришлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мана энди туб бурилиш қилинди. Ким билан гаплашманг, фақат битта фикр билдиради: республика дон маҳсулотлари министрлиги ва комбинатга янги раҳбарлар келиши билан ана шундай бурилиш қилиш мумкин бўлди. Бундан тўрт йил илгари неча ўн йиллардан бери корхонада ишлаб келаётган Д. И. Шеремецкая унга бош бўлди. Таъмирлаш режаларини тузишди, маблағ «ундиришди» ва шу заҳотиёқ енг шимариб ишга киришишди.

Аввало корхонанинг асосий ҳовлисида тартиб ўрнатишди. Ишлаб чиқариш биносини, ускуналарни тузатишди. Бу ерда учта катта — макарон, булка ва торт цехлари бор. Унча катта бўлмаган яна бир «Эклер» пирожноелари ишлаб чиқарадиган цех ҳам мавжуд.

Макарон цехи алоҳида цех ҳисобланади. Бу ерда ҳозирча республикамизда ягона бўлган Италиянинг «Брайбанти» линияси ишлаб турибди. Ундан ҳар куни 28 тонна аъло сифатли маҳсулот олинмоқда. Ундан олинган вермишель ва макаронлар хунук картон қутиларга солинаётганлигича ачинасан, киши. Боз устига харидор уни кўриши билан чўчиб кетиши ҳам мумкин, чунки қадоқловчилар бу картон қутиларни елимлашлари, буклашлари, бир-биридан ажратишларига тўғри келмоқда. Картоннинг ўзи ҳам жуда юмшоқ. Италиянинг қадоқловчи ярим автоматлари бундай қутичаларни кўпинча брак қилиб чиқармоқда.

Март ойида ўша «Брайбанти» фирмасининг янги линияси ўрнатила бошланиши керак. Италиядан келтирилган контейнерлар ҳовлида турибди. Бу ускуна бир кеча-кундузда 40 тонна маҳсулот бера олади. У йил охирида ишга тушса эҳтимол.

Булка цехидаги новвойлар ниҳоят дам олиш хонасига эга бўлдилар. Дам олиш хонаси печларнинг ёнида бўлишига қарамай, шовқин деярли эшитилмайди. Хонага ўрнатилган кондиционер, юмшоқ ўриндиқлар ва шунга ўхшаш бошқа жиҳозлар бир оз ҳордиқ чиқариб дам олишга ёрдам беради. Иссиқ цех учун бу катта аҳамиятга эга.

Корхонада фирма дўконининг шундай қаршисида яна бир цех ишга тушди. У ерда ҳозирча фақат торт тайёрлашади. Тортни сотувчи орқали буюриш мумкин. Кейинчалик бундай маҳсулотларнинг хилини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Корхона торт цехидагина янгилик йўқ. Бу ерда эски муаммолар, аввало, хом ашё жуда етишмаётганлиги ҳақида гапиришади: ёнғоқ йўқ, шоколад йўқ, қуруқ мева йўқ, жем йўқ...

— Йилдан-йилга баттар бўляпти, — дейди комбинат директорининг сифат бўйича ўринбосари О. Н. Сонина ЎзТАГ муҳбирига. — Биз йигирма хилга яқин торт тайёрлашни ўзлаштирдик, лекин фақат олти-етти хилини пиширяпмиз. Чунки бу тортни тайёрлашга керак бўлган маҳсулотларни бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Масалан, ҳозир янги маҳсулот тайёрлашга киришаётганимизда «фундук ёнғоғи» эмас деб, балки оддийгина қилиб «ёнғоқ» деб ёзамиз. Ана ўшанда ҳозирча олиб турганимиз ер ёнғоқдан ҳам фойдаланиш мумкин. Неча йилдан бери ёнғоқ, бодом олаётганимиз йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам изланаяпмиз, тортларнинг янги навларини тайёрлаяпмиз. Ҳозир «Байрам», «Дурдона», «Ғунча», «Бахт» туркумидаги янги тортлар пайдо бўлди.

Корхонада бошқа ишлаб чиқариш цехларини янгилаш асосий муаммо бўлиб турибди. Бу ишлаб чиқариш цехлари шаҳримизнинг турли жойларида тор ва қоронғу биноларга жойлашган. Демак меҳнат жараёнини механизациялаш, одамларга нормал шароит яратиш имконияти йўқ. Масалан, шарқ қандолатлари цехларида оғир қўл меҳнатининг улуши ниҳоятда катта.

Новвот пишириш айниқса қийин. Уни қарилар ҳам, болалар ҳам яхши кўришади. Лекин қандолатчилар меҳнати қанчалик машаққатли эканлигини камдан-кам одам билади. Ҳар куни ҳар бири икки юз-уч юз литрлик ўнлаб қозонни қўлда бўшатишга тўғри келади. Шу боисдан ҳам бу ерда фақат эркаклар ишлайди. Лекин ҳар кимни ишга олишавермайди — ўз ишининг усталари керак. Йигирма хил маҳсулот тайёрлайдиган 5-цехда бундай усталар кўп, ана шу маҳсулотларнинг ярмидан кўпроғи шарқ қандолатларидир. Аҳмадохуновлар сулоласи бу ишда айниқса ажралиб туради. Сулола бошлиғи Олим ака уч нафар ўғлини ҳам бу ерга олиб келган. Ҳозир уларнинг ҳаммаси бир бригадада меҳнат қилишмоқда. Бошқа цехларда ҳам ўз ишининг усталари меҳнат қилишади.

Маҳсулотни чиройли қилиб ўраш борасидаги нўноқлигимиз амал қилади. Ҳолва, новвот, парварда сингари ширинликларимиз савдога шундай ҳолда ёки кўримсиз қоғоз қутиларда чиқарилади. Ваҳоланки, ҳолва, новвот, парварда сотиб валюта ҳам ишлаш мумкин. Турли делегацияларни, ҳорижий меҳмонларни қутиб олиш учун бизга махсус буюртмалар тез-тез берилаётганлиги тасодифий эмас. Аммо қулай ва чиройли ўрамалар тайёрлашда қандолатчиларга ким ёрдам бериши мумкин.

Одамларимиз эса фақат бузиб ташланиши керак бўлган биноларда ишлашмоқда. Ҳақиқатан ҳам уларни тез орада бузиб ташлашади, янги ишлаб чиқариш биносини бунёд этишади. Ҳозирча эса маиший биноларга пардоз бериш ниҳоясига етмоқда. Бутун бир қават қурилди, у ерда кичик зал, ҳар бир бригада ечиниб, кийиниладиган хона, овқатланадиган хона жойлашади. Ишлаб чиқариш бошлиғи М. С. Муталов 30 йиллик иш фаолияти давомида биринчи марта одамларни эслаганликларидан мамнун бўлмоқда. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ушбу цех қурилишига юз минглаб сўм пул ажратилди. Ваҳоланки, бундан бир неча йил илгари бутун корхонага бир йилга фақат... уч юз килограмм бўёқ беришарди. Кафель, ёғоч ва бошқа материалларни орзу ҳам қилишмасди.

Энди ишлар бошқача. Ҳаммасини аввалдан ўйлаб, йилларни кўзлаб пухта иш юритишмоқда. Учинчи корхонада янги новвот цехини қуришди. У кенг, ёруғ ва баланд. Энг муҳими, ҳамма ишлар жуда яхши механизациялаштирилган. Ҳозир эса эски бинолар ўрнида яна бир цех — тешик кулча цехи қурилиши б о ш л а н яп т и. Шундай қилиб йил охиригача турли тешик кулчалар бир ярим баравар кўп ишлаб чиқариладиган бўлади. Комбинатнинг бошқа ишлаб чиқаришлари ҳам янгиланади.

Тўғри, комбинатнинг бутунлай янгиланиши ҳақида гапиришга ҳали вақт бор. Бу ерда, очиғини айтадиган бўлсак, неча ўн йиллар давомида тўпланиб қолган эски бинолар, ускуналар жуда кўп. Лекин корхона ҳозирдаёқ янги босқичга кўтарилганлигини дадил айтиш мумкин. Буни қилинаётган ишлар кўрсатиб турибди. Ушбу ишлаб чиқариш билан кўп йиллардан бери таниш бўлган кишилар айтишяпти. Хуллас комбинатда ишларнинг пухталигини ошириш ва маҳсулотлар сифатини яхшилашга доир қабул қилинган режалар амалда рўёбга чиқарилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамлар учун — бу ерда ишлаётганлар учун, унинг мазали маҳсулотларидан ҳар куни фойдаланаётганлар учун қилинмоқда.

Кечаги кундан эртага

⊙ Тошкент нон-қандолатчилик корхонаси эртанги кунга қадам ташлашга тайёр. Корхонани таъмирлаш ишлари бошланди.



⊙ МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ. Маиший-рўзғор металл буюмларини таъмирлаш бирлашмасининг дарпарда тутқич цехи йиғувчиси Наталья Ангелопуну.

Т. Каримов сурати.

Нишонларда шонли саналар

ТОШКЕНТДАГИ олимлар уйида Совет Қуролли Кучларининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи нишонлар кўргазмаси очилди. Тошкентлик нишон йиғувчи Анатолий Васильевич Дробишев йиллар давомида тўплаган коллекцияда ҳозир ўн мингдан кўпроқ нишон бор. Унинг тўпламидан олинган ҳарбий нишонларда воқеалар, шонли саналарнинг ҳаммаси акс этган.

Мана улардан бири — Октябрь инқилобининг уч йиллигига чиқарилган медаль. Халқ депутатлари Ленинград советининг махсус қарорига биноан ишки саройга ҳужум қилишда қатнашганлар шу медаль билан тақдирланган. Унинг ёнида 1924 йилда чиқарилган ва Туркистонда инқилобий ҳаракат қатнашчиларига берилган нишон бор. Туркистон ҳарбий округининг 1961-1962 йилларда-ги баъзи нишонлари, унчалик кўп муддат ўтмаганлигига қарамай, фақат Дробишевнинг коллекциясида сақланиб қолган. Кўргазмага икки юздан ортиқ нишон қўйилган. Улар орасида Волинь полки махсус гвардиясининг номи ёзилган нишонлар бор. Бу гвардия 1917 йилнинг февралида чор ҳукуматини ағдариб ташлашда қатнашган эди. «Ильич васиятларини эсингда тут» нишони ҳам баъзи хусусий коллекциялардагина сақланиб қолган.

— Йигирма беш йилдан бери нишонларни йиғиш билан шуғулланаман, — деди А. Дробишев. — Бу нишонлар туфайли бутун бир дунё билан танишдим, ажойиб тақдирли кишиларга ошно бўлдим. Ҳозир мамлакатимизнинг турли гўшаларида кўп дўстларим бор. Нишонлар коллекцияси мутахассисларга ҳам жуда катта амалий материал беради. Биз эса ўз тарихимиз, шу жумладан унинг номаълум саҳифалари хусусида кўп нарсаларни билиб олиш имкониятига эга бўламиз.

(ЎзТАГ).

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

«ИТТИФОҚ» МАҲАЛЛАСИ

⊙ БУГУН Сергели районининг маҳаллалари яна биттага кўпайди. Илгарилари «Сергели—2» деб юритиладиган квартал «Иттифоқ» маҳалласи деб юритила бошланди.

Бу ерда 10 минг 700 аҳоли истиқомат қилади. 4 минг 700 хонадонда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшашади.

— Шунинг учун ҳам номини «Иттифоқ» деб атадик, — дейди маҳалла комитети раиси Н. Зуҳуров. — Бу ерда аҳоли учун бир қатор имкониятлар мавжуд. «Универсам», урф-одатлар ташвиқоти маркази, чойхона, хотин-қизлар учун турли тўгараклар шулар жумласидандир.

Д. МУРОДОВ.

БИР ЙЎЛА ИККИ БОҒЧА

⊙ БУГУН Собир Раҳимов районининг «Оҳакчи» (Б—3 квартал) маҳалласида 320 ўринли болалар комбинати жажжи ўғил-қизлар ихтиёрига топширилди.

Бу ерда болаларнинг ўйнаб ҳордиқ чиқариши учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Қурилиш ишларини «Ташгипрогор» институти лойиҳаси асосида 159-трестга қарашли 61-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этишди. Пардозлаш ишларини 48-пардозлаш бошқармаси бажарди.

Д. ОТАЕВ.

⊙ СОБИР РАҲИМОВ районидаги «Алоқа» кўчасида 320 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу 569-болалар боғчасида кичкинтойларнинг тарбияланишлари учун барча шароитлар яратилган.

М. РАҲИМОВА.

ДАҲА АҲОЛИСИГА

⊙ БУГУН Қорасув даҳаси аҳолиси учун бир йўла икки қулайлик яратилди. Бу ерда 150 квадрат метр савдо залига эга бўлган озиқ-овқат ва 64 квадрат метр савдо залига эга саноат моллари дўкони фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Бунёдкорлик ишларини «Ўзбекбирлашув»га қарашли қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бажаришди. Бу ерда 340 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Д. АБДУЛЛАЕВ.

ҲИСОБЧИЛАР УЮШМАСИ

⊙ БУТУНИТТИФОҚ иқтисод жамиятининг Ўзбекистон идораси қошида Ўзбекистон ҳисобчилари уюшмаси тузилди. Бу уюшма — эркин оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланади. Бу жамият ҳисоб, молия, назорат, тафтиш ишларини амалга оширади.

О. ЮСУПОВ.

ХИЗМАТ-БЕМИННАТ

⊙ БУГУН Юнусобод массиви аҳолисига яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда маиший хизмат комплекси ишга тушди. Янги комплексда кир ювиш, уй-рўзғор жиҳозлари ремонти, сартарошхона, пойабзал ремонти устахоналари каби йигирмага яқин хизматлар мавжуд.

Д. АЪЛОЕВ.

КЎРГАЗМАДА— БУХОРО МАНЗАРАЛАРИ

⊙ ЎЗБЕКИСТОН Рассомлар уюшмаси қатор мўйқалам усталарининг ишларини ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар эътиборига ҳавола этишда кўпгина ишларни амалга оширяпти.

— Шу кунларда пойтахтимизда Кино уйининг кўргазмалар залида таниқли рассом Элёр Имомов ижодига мансуб ишлар қўйилган, — дейди жумҳурият Рассомлар уюшмаси референти Л. Ҳошимова. — Ушбу кўргазма мусаввир таваллудининг 50 йиллигига бағишлаб ташкил этилди. Шунингдек, бу ерда ва бошқа маданият кошоналарида халққа танилган ижодкорлар билан учрашувлар уюштириляпти. Улар санъат ихлосмандларига ижодлари, келгуси режалари ҳақида батафсил сўзлаб беришмоқда. «Дўстлик» жамиятининг ғайрати ва ташаббуси билан АҚШ, Бельгия санъат намояндалари билан алоқаларимизни кенгайтиряпмиз.

— Баҳор ойларига қандай тадбирлар белгиланган?

— Режаларимиз кўп. Биринчи навбатда мўлжаллаганимиз бухоролик бир гуруҳ ижодкорлар — Б. Саломов, А. Барноев, М. Абдуллаев, З. Сайиджонов, И. Бобоев ва А. Ҳазратов асарларини намойиш этишдир.

Р. МУҲАМЕДОВ.



⊙ «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қираверишда янги маиший хизмат уйи қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда омонат касса, ателье, сартарошхона ва пойабзалларни тузатиб берадиган устахона мавжуд.

М. Нуриддинов сурати.

Шарҳчи сатрлари

Совет—япон муносабатлари: ижобий силжиш

Янгича сиёсий тафаккур тинчликни, халқлар ҳамкорлигини, улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб бутун ер юзи бўйлаб одимламоқда. Ҳамма партиямизга, унинг етакчиларига, уларнинг ҳамиша янги ташаббуслар билан чиқаётганлигига тан бермоқда.

Энг аввало, СССРдаги қайта қуриш ва ошкоралик жараёнлари, қуролсизланиш ва регионал зиддиятларни бартараф этиш борасидаги бизнинг аниқ ташаббусларимиз, Япония билан муносабатларга ёндашувда СССРнинг эгаллаган фаол нуқтаи назари ҳудудий даъволарнинг «отахонлари»ни ҳадемай япон-ларнинг ўзи ҳам гап қаерда эканлигини тушуниб олишлари мумкин эканлиги чўчитаяпти. «Кунчиқар мамлакат»даги биз билан дўстлик ва ҳамкорликка тобора кўпроқ мойил бўлиб бораётган кишиларнинг рўйхуши ҳам консерваторларни СССРга нисбатан муносабатларини ўзгартиришга мажбур қилмоқда. Эндиликда япон-ларнинг аксарияти «шимолий ҳудудларнинг» қайтарилишини совет-япон муносабатларининг яхшиланиши ва кенгайишига асосий тўсиқ деб ҳисобламаётганлиги мутлақо аён бўлиб қолди. Оппозиция лагерида ҳам, илмий, журналистлар доираларида ҳам ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ялпи ўзгаришини ва регионда барқарорлик таъминланишини, СССР билан ҳар томонлама, шу жумладан савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишини ёқлаб баён этилаётган фикрлар ниҳоятда адолатлидир. Бу, шак-шубҳасиз, ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг кенгайишига олиб келади. Чиндан ҳам М. С. Горбачевнинг Владивостокда ва Красноярскда баён этган, Осиё — Тинч океани регионидаги муаммоларни бартараф этишга доир совет таклифларидан келиб чиқадиган бўлсак, бу Узоқ Шарқда узоқ муддатга мўлжалланган, мустаҳкам тинчликка олиб боруvчи энг тўғри йўлдир. «Япония музокаралар учун энг қулай муҳитни вужудга келтириш йўлида куч-ғайратини сарфлаши керак», деб таъкидлайди «Асахи» газетаси. Газета ҳудудга доир масалаларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари йўл очиш, иккинчи жаҳон урушини якунлаш масаласини бир ёқли қилиш ҳар икки мамлакатнинг, бутун Осиё — Тинч океани регионининг манфаатларига хизмат қилади.

Ш. ҲАСАНОВ.

Лекин Япония азалдан олиб бораётган ташвиқот кампанияси доирасида ўз аҳолисини «Совет раҳбарияти ўтказаётган янги сиёсатнинг японларга алоқаси йўқ», деб ишонтирмоқда. Нима учун? Буни қарангки, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг қирқ йилдан знёд вақт ўтса ҳам СССР «японларнинг азалий ҳудудларини — Итуруп, Кунашир, Хабомаи ва Шикотан оролларини қонунга хилоф равишда истило қилишда қатъият билан давом этаётган» эмиш. Гўёки ана шу оролларнинг Японияга қарашли эканлиги ҳам тарихдан, ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқар эмиш. Буни қарангки, ушбу масала борасидаги Токионинг нуқтаи назарини жаҳон ҳамжамияти кенг қўллаб-қувватлаётган эмиш.

Совет Иттифоқи ушбу масалада фаол нуқтаи назарни эгаллаб, далиллар асосида Япониянинг даъволарини рад этиб ташлади. Бу Япониянинг ташқи сиёсат маҳкамасини бирмунча ғафлатда қолдирди. СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ва унинг ўринбосари И. А. Рогачевнинг Японияга ташрифи бизнинг нуқтаи назаримизни баён этиб, японларнинг фикрини тинглаш имконини берди. Яқин ойларда бизнинг мамлакатларимиз тинчлик шартномаси матни лойиҳалари билан айирбошлаш хусусида ахдлашувга эришилди. Бу барча жиҳатларни қиёслаш ва ҳар икки томоннинг қизиқтирувчи масалалар юзасидан умумий нуқтаи назарини топиш имконини беради.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги ушбу ижобий силжишларга қандай қилиб эришилди? Совет Иттифоқига қандай муайян имтиёзлар келтиришини кўргазмали равишда намойиш этишга тўғри келади», деган фикрни билдиради. Газета Япония ҳукуматини СССРга нисбатан «эгилувчан» ва мақбул сиёсат ўтказишга чақиради. Бундай сиёсат жаҳонда кузатилаётган кескинликни юмшатиш томон бўрилиш жараёнлари шароитида Совет Иттифоқининг сўнгги қадамларини тўла-тўкис ҳисобга олиш имконини берарди.

Ниҳоят, «тўрт оролнинг бир-йўла қайтарилиши» ҳақидаги талабни Японияннинг ҳамма аҳолиси ҳам қўллаб-қувватлаётгани йўқ. «Хоккайдо симбун» аҳоли фикрини сўраб билиш чоғида Хоккайдо аҳолисига «Агарда СССР Японияга икки оролни қайтариб беришни таклиф қилса, сиз буни қандай қарар эдингиз?» деган савол билан мурожаат қилди. Саволга тутилганларнинг атиги 26,3 фоизи «тўрт оролнинг ҳаммаси қайтарилишига қатъиян эришиш зарур» деган фикрни билдирди, айни вақтда аҳолининг 48 фоизи «Итуруп ва Кунашрнинг қайтарилишига йўлни очиқ қолдирган ҳолда икки оролнинг қайтарилиши»ни энг долзарб вазифа деб ҳисоблайди, 6,4 фоиз киши «барча Курил оролларининг қайтарилиши» талаб қилди, 10,1 фоизи эса «икки оролнинг қайтарилиши билан ҳудудга доир муаммо ҳал бўлади» деб ҳисоблайди.

Япония ҳукумати орзуни ҳақиқат ўрнида қабул қилиб, мазкур муаммога принципал ёндашувда чекинишларга ўрин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб намойишкорона таъкидлагани ҳолда, сўнгги вақтларда СССРга нисбатан нотўғри нуқтаи назарни эгаллаб турганлиги ҳақидаги тушунча келиб чиқишидан қочиб қутулишга интиляпти, айни вақтда унинг ташқи сиёсатида рўй берган ўзгаришларни сезишни хоҳламаяпти. Ана шу «Асахи»нинг ўзи баҳоналар билан бўлса ҳам «М. С. Горбачев маъмурияти вақтида Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати шунчаки ташвиқот борасидаги тинч ҳужум бўлмай, ҳақиқий ўзгаришларни акс эттиради, унда халқаро тартиб барқарорлашувига, халқаро дунё учун қулай жиҳатлар бор», деб эътироф этади.

Аммо япон ҳукуматининг бундай ёндашувини амалда намойиш этишга тайёрлиги ҳақида катта шубҳаларни келтириб чиқаради.

Токионинг «ҳудуд» муаммосига ўзининг қатъий ёндашувини ҳар томонлама мустаҳкамлашга бўлган ошкора уринишлари ва муросага боришдан очиқ бош тортиши Япония раҳбарияти СССР билан тинчлик шартномаси тез имзоланишидан қай даражада манфаатдор, деган саволни қайта ва қайта ўртага қўяди. Шак-шубҳасиз, ҳозирги вазият ҳам Япония ҳукуматига муайян имтиёзлар беради. Душман тимсолининг сақлаб турилиши путури кетган «совет хавфи»ни тўғридан-тўғри тезисдан фойдаланишда ёрдам бермоқда, айни вақтда СССРнинг Осиё — Тинч океани регионидаги ҳамкорлик программаларида иштирок этишига тўсқинлик қилиш имконини бермоқда. Бу борада Токио Совет Иттифоқи тимсолида ҳеч бўлмаганда жиддий рақибни кўряпти.

Э. А. Шеварднадзенинг Японияга ташрифи ва унинг мамлакат раҳбарлари билан музокараларидан сўнг 1991 йилда М. С. Горбачевнинг Японияга ташриф қилиши ҳақида ахдлашувга эришилди.

Битимларга эришиш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари йўл очиш, иккинчи жаҳон урушн якунлари масаласини бир ёқли қилиш ҳар икки мамлакатнинг, бутун Осиё — Тинч океани регионининг манфаатларига хизмат қилади.

Ш. ҲАСАНОВ.

Совет-лар мамлакатида

⊙ НОВГОРОД. Демян «Стройдеталь» заводининг маҳсулоти узоқ йиллар мобайнида истиқболсиз деб ҳисобланиб келган Новгород қишлоқлари аҳолисига аталган. Ёғочдан ясалган уйларни заводнинг ўзи энг узоқ қишлоқларга етказиб беради ва ўша жойнинг ўзида қуриб беради. Бу йил корхона коллективи уч хонали 120 та шинам уйнинг калитини буюртмачиларга топширади.

⊙ ТБИЛИСИ. «Мтиеби» фольклор ансамбли Болниси шаҳри меҳнаткашлари ҳузурида концерт берди. Унинг программаси қўшиқлар, рақслар, қадимий маросимлардан тузилган. Ана шу концерт билан республика тоғли минтақаларига маданий хизмат кўрсатишнинг янги туркуми бошланди.

⊙ ЛЕНИНГРАД. Ленинград кино санъати маркази программаларида совет кинематографиясининг ўтмиши, бугуни ва келажаги акс этади. Марказ «Ватан» кинотеатри биносида очилди. Энди у шаҳардаги барча киностудияларнинг уйи бўлиб қолади. Марказ СССР кинематографчилар уюшмаси ва «Ленкиновидео» бирлашмасининг кучи билан ташкил этилди.

⊙ ВИЛЬНЮС. Кливленддан келган пианиночи Антанас Сметонинг Литвадаги гастроллари Каунас шаҳрида бошланди. Мусиқачи оиласи эллик йил аввал океан ортига кўчиб кетганди. Бироқ Антанас миллий маданият билан алоқасини узмади — литва мусиқаси унинг программаларидан доимо жой олиб келмоқда.




УКРАИНА ССР. Буюк рус адиби Антон Павлович Чеховнинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш йиллар ўтишига қарамай сўнаётгани йўқ. Унинг асарлари деярлик барча қитъаларда нашр этилган, унинг ҳақрамонлари саҳнадан туриб жаҳоннинг турли тилларида гаплашадилар.

Чеховнинг ҳаёти билан боғлиқ энг эътиборга молик гўшалардан бири Ялтадаги уй-музей ҳисобланади. Ҳар йили уй-музейини қарийб 120 минг киши зиёрат қилади.

СУРАТДА: А. П. Чехов уйининг меҳмонхонаси.

А. Обуховский (ТАСС) сурати.



Олим тавсия этади

МЕВАЛИ НИҲОЛ — ДАСТУРХОНГА ТЎКАР БОЛ

Тошкент об-ҳавоси мўътадил бўлиб, баҳорда, кузда, ҳатто қишда ҳам ҳаво кўпинча иссиқ бўлиб, мева, ток ва манзарали дарахтлар кўчатини экиш учун мос келади. Ўтган куз фасли иссиқ келиб, кўчат экиш учун жуда қулай бўлди. Лекин очиғини айтиш керакки, биз бундай имкониятлардан яхши фойдаланмаймиз. Асосан кўчатларни баҳор фаслида ўтказишга тўғри келади. Ҳар йили миллионлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда, лекин уларни ўз вақтида суғормаслик ва парвариш қилмаслик натижасида кўпчилиги нес-нобуд бўлмоқда, уларнинг ўрнига қайта-қайта кўчат экишга тўғри келмоқда. Афсуски, бу ишга кўпда масъулият билан қаралмаяпти.

ШАҲРИМИЗДА кўплаб олма, нок, ўрик, гилос, беҳи, узум, олхўри, олча, ток кўчатларини ўтказиш учун катта имкониятларга тўлиқ эгамиз. Нимагадир бу ишга совуққонлик билан қараб келинади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқинда кўчат экиш икки ойлигини ўтказиш тўғрисида аҳолига мурожаатнома қабул қилди.

Айни кунларда кўчат ўтказишни қизитиб юбориш, олдин экилган кўчат ва ёш дарахтларни парвариш қилиш, қуриб қолган айрим кўчатларни олиб ташлаб, ўрнига янгисини ўтказиш лозим. Яхши тутган кўчатларни шакл бериб кесиш ва дарахт атрофидан ўсиб чиққан бачки новдаларни олиб ташлаш керак. Қалин экилиб қолган кўчатларни шу кунларда тупроғи билан кўчириб, бошқа жойга ўтказиш лозим. Кўчириб экилган мева дарахтлари кучлироқ кесилса, янги новдалар ўсади.

Ёш дарахтларга шакл беришда нималарга аҳамият бериш керак? Шох-шаббаларнинг ички қисмидаги ортиқча қалин соя-салқин берадиган новдалар ва шохлар сийраклаштирилади. Ҳаддан ташқари ўсиб кетган бир йиллик новдалар 40—50 фоизга қисқартирилади. Олма, нок, олхўри каби дарахтларга сийраклаштирилган ярус, шафтоли дарахтларига косасимон шакл берилади. Бунинг учун кўчат экилиши биланоқ улар кесилиши керак. Олма, нок, олхўри кўчатлари экилгандан кейин, дарров уларнинг ён новдалари 30—40 фоизга қисқартирилади. Ўртадаги марказий новда ён новдаларга нисбатан 30—40 сантиметр баландроқ қилиб кесилади ва юқорида ёш мева дарахтларининг навбатдаги ярус шохлари келгусида барпо этилади.

Кўчатларни, албатта, йил мавсумларида кетма-кет пишиб етиладиган олма, нок, шафтоли ва узум тарзида ўтқазиш керак. Масалан, 10 дона кўчат экишга тўғри келса, шундан бир-иккитаси эртаги, 1 — 2 таси ўртаги, 6—8 таси кузда пишадиганлари бўлиши лозим.

Май ойида қулупнай, гилос ва ўрикни боғишамол навлари пишиб етилади. Бундай қараб турсак, йил бўйи ҳўл мева истеъмол қилиш мумкин. Кўча ёқаларига мева ва манзарали дарахт кўчатлари билан бирга, ток кўчатларини экиш ҳам катта аҳамиятга эга. Кўкча, Бешқайрағоч, Ишчилар шаҳарчаси ва шунга ўхшаш маҳаллаларда кўча ёқаларидаги ариқлар ёнига хўраки узум навлари экишгани мақтовга сазовордир. Токлардан Тойфи, Нимранг, Ризамат, Қоракишмиш, Ҳусайни, Оқкишмиш, Октябрь, Келинбармоқ узум навларини ўстириш керак. Ток туплари кўп ерни эгалламайди. Бу ишга маҳаллаларда яхши аҳамият бериб, бу тажрибани аҳоли ўртасида кенг ёйиш лозим. Фарғона, Бухоро, Наманган, Андижон вилоятларида эшик олдига экилган узумлар ҳаммага намунадир. Биринчидан, ток туплари ширин-шакар узум берса, иккинчидан, ҳар бир жойни салқин қилиб, гўзаллаштиради ва яхши ҳордиқ чиқарадиган ерга айлантиради.

Тошкент шаҳрида катта меҳмонхоналар олдига ток экилиб, баланд сўриларга кўтарилса айни муддао бўлади. Бунинг учун узумнинг Пуштитойфи, Оқтойфи, Қоракишмиш, Оқкишмиш, Ризамат, Сурхак китоб, Ҳусайни, Келинбармоқ, Октябрь, Ўзбекистон мускати каби навларини экишни тавсия этамиз. Бир йиллик кўчатлари доимий ерга ўтказилса, улар яхши парвариш қилинганда учинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради. 6—7 ёшга кирган ҳар бир ток тупидан 60 — 80—100 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Баланд қилиб, том томонга кўтариб ўстирилган ток тупидан 150—200 килограммгача ҳосил олиш ҳеч гап эмас. Бундай ишлар билан шуғулланиш ёшлар ва қарияларимиз учун ҳам жуда катта эрмак. Ёшларни ток тупларини парвариш қилиш ишларига ўргатиш тажрибали соҳибкорларимизнинг асосий бурчлари ҳисобланади.

Мирвоҳид СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Диққат: муаммо

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ҒАМХЎРЛИК

Афғонистонда ҳалок бўлган гвардиячи лейтенант Александр Романовнинг онаси унга ўғли учун белгиланган республика аҳамиятига молик шахсий пенсияни олишдан бош тортмоқда. Бу пенсия миқдори унинг ўз меҳнат пенсиядан камроқ бўлиб чиқди.

Давлат ўз ғамхўрлиги билан талтайтириб юбормаган совет пенсионери елка қисади: нима бўпти, атиги 17 сўм кам экан, лекин бунинг эвазига имтиёзлар бор. В. Е. Романова эса бошқача фикр юритади. Давлат шахсий пенсия тайинлаётганида онанинг ўзи ишлаб топган пенсияни олиб қўяётган бўлса, бу қандай ғамхўрлик бўлди? Аёлнинг бу фикрига қўшилмай илож йўқ.

«Афғонликлар» онанинг ёнини олишди. Байналмилалчи жангчилар ва запасдаги аскарлар республика уюшмаси Романованинг шахсий пенсияси масаласи қайта кўриб чиқилишини илтимос қилаяпти. Республика ҳарбий комиссариати ҳам Романованинг шахсий пенсиясини унинг ўз пенсияси миқдоригача оширишни илтимос қилди.

— Бу — шахсий пенсия, шунинг учун ҳам у белгиланаётган пайтда барча жиҳатлар, масалан аёлнинг ўғлидан бошқа ҳеч кими йўқлиги ва унинг хизматлари ҳисобга олиниши лозим, — дейди запасдаги жангчилар уюшмасининг бошлиғи В. Мельничук. — А. Романов уч марта Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган. Бунақаси эса кам бўлади. Шунга қарамай бу уринишларнинг барчаси бекор кетди. Ваҳоланки, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, касаба союзлари республика Кенгаши ва республика ЛКСМ Марказий Комитети ўтган йилнинг сентябрь ойидаёқ Афғонистонда жанг қилган аскарлар ва у ерда ҳалок бўлганларнинг оилаларига бериладиган имтиёзлар тўғрисида ажойиб қарор қабул қилган эди. Бу қарор Романова учун ичи ачишаётганлар қилаётган ҳаракатларни қонун йўли билан тасдиқлайди. Қарорда айтилишича, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 55 ёшга етган оналари учун бериладиган шахсий пенсиялар улар қонуний тартибда олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсиядан кам бўлмаслиги керак, можарони давом эттиришга бир қарашда асос йўқ ва барча томонлар қаноатланиши лозимдек кўринади.

Бироқ маълум бўлишича, республика қарорининг бу моддаси СССР Министрлар Совети 1977 йилда тасдиқлаган шахсий пенсиялар тайинлаш тўғрисидаги қарорга зид эканми, демак бажариб бўлмайди.

Нима қилиш керак? Ҳурматли идоралар ҳотамтойлик қилаётганларида бунинг амалга ошмаслигини билишган эканми? Афғонистонда жанг қилган аскарларга ва у ерда ҳалок бўлганларнинг оилаларига бериладиган имтиёзлар тўғрисидаги ҳужжат тузилаётганида бу зиддиятдан бехабар бўлганликларига ишониш қийин. Шундай бўлган ҳам дейлик, лекин ҳозир, маҳаллийлаштириш ва республикалар мустақиллигини кенгайтириш кетаётган вақтда ҳотамтойликни амалда кўрсатиш ўша идораларнинг ўз қўлида.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

Кўклам чечаклари

МИТТИГИНА БИНАФША

Баҳорни фасллар келинчаги, дейишларича бор. Зеболанган кўклам яхшилик либоси, гулу чечаклар оғушида ҳар қандай зотни ром этмай қўймайди.

Мурғак бинафша баҳорнинг тўнғич чечаклари қаторидан жой олган бўлиб, унинг нафақат бежирим, кўҳлик кўринишигина эмас, балки ўзига хос уфори кишини тўйиб-тўйиб нафас олишга ундайди. Бинафша кўҳна замонлардан бери серхосиятлилиги билан танилган. Халқ табобати амалиётида гиёҳнинг ер устки қисми қуритилиб, дамлама кўринишида ўпка йўли шамоллаганида, балғам кўчирувчи, буйрак ва қовуқдаги тошларни нуратиш мақсадида фойдаланилган.

Оврупо мамлакатларида бинафша ниқриз, бод ва болаларда кечадиган ширинча касаллигини даволашда ишлатилади. Булғор халқ табобатида бинафша тери тошмаларидан ҳоли қилувчи манба сифатида фойдаланилади. Гиёҳ баргларини қайнатиб олиб йирингли яра, чипқон, сизлоғич ва шишларга қўйилса, пасотни етилтиради.

Бинафшадан тайёрланган қайнатма юқори нафас йўллари шамоллашида, тумов, гриппда ва бодомча безларининг яллиғланишида ғар-ғара этилса, касаллик азиятига енгиллик беради. Бунинг учун 2 грамм миқдорида қуритилган бинафша ўтидан олиб, 200 грамм сув билан 15 минут давомида қайнатилади. Сузиб олинган шарбат билан ташқи муолажа сифатида, шунингдек, ош қошиқда кунига 4 марта истеъмол этиш йўли билан фойдаланиш мумкин. Халқ табобати амалиётида бинафша қайнатмаси қовуқ сустлигига шифоли омил ҳисобланади. Бинафша қайнатмаси ҳамда спиртли тиндирмаси ўпка эмфиземаси ҳамда ревматизмни даволашда тавсия этилади.

Болаларда учрайдиган ўта азиятли кўкйўтал хасталигида қуйидагича муолажа жуда самарали натижа беради. Бунинг учун бинафша гиёҳи (ўти, илдизи) асосида қайнатма тайёрлаб, шарбати болага ичирилади, туруни эса ҳали иссиқлигида бола кўкрагининг юқори қисмига ҳарорат бағишловчи бозиллатма—компресс қилиб, 1 — 1,5 соат чамасида тутиб туриш тавсия этилади. Шарбатидан эса ҳар 2 соатда, бутун кун мобайнида ош қошиқда ичириб турилади. Мабодо боланинг ёши 7 —10 ёш атрофида бўлса, у ҳолда бинафша қайнатмасидан 2 — 3 ош қошиғида ичиб туриши мумкин.

Мабодо одам пешоб-тош касаллиги билан азият чекадиган бўлса, қуйидаги туркона дори-дармондан фойдаланиши ҳам мумкин. Бунинг учун бинафша, ловия қўзоқлари, маккажўхори попуги, хирсқулоқ барглари (русча-толокнянка) барглари ҳамда қайин куртакларидан бир ҳиссадан олиб аралаштирилади-да, мазкур омухтадан икки ош қошиқ миқдорида олиб, унинг устига икки-тўрт стакан қайноқ сув қуйилиб, 20 минут давомида дамланади. Сўнгра сузиб олиниб, шарбатидан кунига икки-уч ош қошиқдан уч марта истеъмол қилинади.

Бинафшанинг шифобахшлиги «хазинаси»даги фойдали омиллар ҳар бир кишини қизиқтирмасдан қўймайди, албатта. Жажжи ва хушбичим бинафша таркибида ифор мойлари, С дармондори, каротин, гликозидлар, сапонинлар, қанд, зарра маъданлар мажмуаси мавжуд.

Баҳор даракчиси ҳисобланувчи бинафша жуда беор гиёҳ бўлиб, уни маданий ҳолда ўстириш мумкин. Бунинг учун мўлжал қилинган жойингизга бир неча тупчасини экиб қўйиладиган бўлса, тез фурсатда дуварақлаб кўпайиб кетади. Кўклам бисотига кўрк берибгина қолмай, шифобахш хосиятлари билан ҳам фойда келтириши мумкин.

Маннон НАБИЕВ
доришунос.

ЯШИЛ ЯЛПИЗ

Диёримизнинг юзлаб беғубор шифобахш ўсимликларидан бири ялпиздир. У ҳамма жойда — нам ерларда, ариқ бўйларида, тоғ этакларида ўсади.

Ялпиз дардларга яхши малҳам эканлигини табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино шундай ёзган:

«...Бир кунгача уни еб, кетидан сузма зардоби ичиб турилса, қон томирларининг кенгайишида фойда қилади. Ялпиз, хусусан, ёввойиси, иштаҳа камлигида, меъда заифлигида ва ҳиқичоқда фойда қилади; чунки у сафро тозалаш, шимдириш ва латифлаштириш таъсирини кўрсатади. Кўнгил айнишини босади...».

Ялпиз қайнатмаси пешобни ҳайдайди, ичак оғриқларига, меъда, кўкрак оғриқ, йўтални ва хасталикларни даволашда яхши наф келтиради. Шунингдек, чанқов босувчи, балғам кўчирувчи хусусиятлари бор. Газанда чаққанга ҳам яхши омилдир. Унинг қуритилган барглари тутатилса, зараркунанда ҳашаротлар йўқолади.

Она-ер қаъридан униб чиққан ялпизнинг ёш баргларидан тайёрланган чучвара ёки сомсаларни тановул қилинганда, киши аъзои-танида ёт моддаларга таъсир этиш хосияти бор. Ялпиз баргидан тайёрланадиган дамлама тинчлантирувчи, юрак фаолиятини яхшиловчи шифобахш малҳам сифатида ҳам қўлланилади. Доришунослик саноати унинг баргини алоҳида махсус қутиларда, ялпиз мойи, таблеткасини, спиртдаги эритма (настойка)сини ишлаб чиқаради. Уни дорихоналарда шифокор тавсияси билан харид қилиш мумкин. Ялпиз доривор сифатида оғизни чайқашда, дорилар таъми-мазасини яхшилашда, тиш порошоклари, тиш пасталари ва қандолатчиликда ялпизли ширинликлар тайёрлашда ишлатилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
фарғоналик доришунос.

МАРТ ҲАВОСИ

Март ойида ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати кўп йиллик кузатиш маълумотларга қараганда, февраль ойига нисбатан 5—7 даража юқори бўлади. Март ойининг биринчи ўн кунлигида илиқ ҳаво оқими келиши натижасида ҳарорат кўтарилиб, пойтахт вилоят ва шаҳрида кечаси 7—12 даража, кундузи 21—26 даражагача иссиқ бўлади.

Март ойининг иккинчи ўн кунлигида кечаси 3—8 даража, кундуз 11—16 даража илиқ бўлади. Март ойининг учинчи ўн кунлигида эса салқин ҳаво оқими келиши кутилмоқда. Бу даврда ҳарорат пасайиб, баъзи кунлари кечаси 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ ўртасида, кундузи 5—10 даража атрофида илиқ бўлади. Умуман олганда ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати норма атрофида бўлиб 6—9 даража илиқ бўлади. Ойлик ёғингарчилик миқдори эса меъёрида — 44—85 миллиметрни ташкил этади.

Тоҳир МУХТОРОВ,
Ўрта Осиё об-ҳаво маълумотларини ўрганиш илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимлари томонидан 1989 йилда шаҳримиздаги 176 та саноат корхоналарида ва 150 та автотранспорт хўжаликларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ишларни текшириш, аввал берилган кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларини белгилаш борасида бир неча мартадан текширув ишлари олиб борилди. Ажратилган маблағларнинг 3.610 минг сўми ўзлаштирилди, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори 18 минг тоннага камайтирилди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетида

СОФ ҲАВОНИ БУЛҒАЁТГАНЛАР

ШУ ЙИЛНИНГ январь ойи давомида эса назоратчиларимиз 39 та саноат корхоналари ва ташкилотларида ва 19 та автотранспорт хўжаликларида текширув ишлари олиб бордилар. Натижада зарарли моддалар чиқариладиган 776 та манбадан атиги 249 таси тозалаш мосламалари билан жиҳозланганлиги аниқланди. Текширишлар ана шу мосламалардан 210 таси ишга яроқсизлигини ва 5 таси етарли даражада газларни тозалаб бермаётганлигини кўрсатди.

«Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги «Универсал — 6» иситиш мосламаси ишдан чиққанлиги, ўчун атроф-муҳитга зарарли газлар чиқиб, атмосфера ҳавосини булғатмоқда. Бу бирлашмада шу кунгача 1990 йилга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари белгиланган. Ана шу камчиликларни бартараф қилиш учун комитетимиз томонидан кўрсатмалар берилди.

«Силикат-глиба» заводида ҳам аҳвол шундай. У ерда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларига ҳали ҳам етарли даражада аҳамият берилаётгани йўқ. Масалан, чангларни тозаловчи мосламалар ишлатилмайди. Хом ашё ва чиқиндилар завод территориясида уюлиб ётибди. Саноат сувлари етарли даражада тозаланмайди. Йўл қўйилган бир қатор камчиликлар учун ва қонун-қоидаларни бузганликлари учун қуритиш барабанларини тўхтатиб қўйишга қарор қабул қилинди. Завод директори М. Ғозихўжаев тўғрисидаги ҳужжатлар Фрунзе район ижроия комитетидаги маъмурий комиссияга жўнатилди.

Ўрта Осиё темир йўли 2-вагон депосида олиб борилган ишлар натижасида тозаловчи мосламалар қониқарсиз ҳолатда эканлиги аниқланди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига совуққонлик билан қарагани учун депонинг бош инженери ўртоқ А. М. Холеновга жарима солинди. «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-тери заводида ҳам қонун-қоидаларга амал қилишмайди. Завод территориясида чиқиндилар уюлиб ётибди. Сув тўғрисидаги қонунга ҳам амал қилинмайди. Ана шу каби камчиликларга йўл қўйилгани учун завод бош инженери ўртоқ Ў. Нусратовга жарима солинди.

Автотранспорт хўжаликларидаги текширилган 689 та автомобилдан 34 таси ташқарига чиқараётган газларнинг заҳарлилик миқдори белгиланганидан юқори эканлиги маълум бўлди ва чоралар кўрилди. 8-автобус паркидаги текширилган 40 та автобусдан 5 таси чиқарган тутуннинг миқдори белгиланганидан юқори бўлиб чиқди. Бу транспорт воситаларини йўлга чиқариш ман этилди.

Январь ойида бўлиб ўтган коллегия кенгашида Тошкент ип-газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш учун шахсий жавобгарликка тортилиши тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилди.

Ойша ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети катта мутахассиси.

Қатралар

ЎКИНЧ

— Ёшлигимизда булбул боғимиздан кетмасди. Ҳар баҳорни бирга кутиб олардик. Шўх-шўх сайраб дилимизни хушнуд этарди. Қариганимизда бизни буткул тарк этди, — деди қизил гул хўрсиниб ёнидаги оқ гулга.

— Булбулга ёшмизми, қаримизни, барибир, тушунсангчи, — эътироз билдирди оқ гул. — Ёшлик пайтимизни бир эслагин-а: ҳаво ҳам, сув ҳам қандай тоза, мусаффо эди. Ҳув оқаётган ариқ сувида болалар нонни оқизоқ қилиб ердилар. Қара, ҳозир оқаётган сувларнинг аҳволини. Ичиш у ёқда турсин яқинига йўлаб бўлмайди. Шундай бўлгач булбул қандай ёнимизга келсин. У ахир тозалик, покликнинг шайдоси.

— Тўғри айтасан, — атрофга паришон боқди қизил гул, — булбулжонга ҳам жон керак.

— Атроф мусаффо бўлганда булбул сизни ҳам, мени ҳам тарк этмасди, — деди ифлос сувли ариқ бўйида чириб бораётган қари тол.

ҚЎШ ҚАНОТ

Олим дўстим билан дала айланардик. У йўл-йўлакай деҳқонлардан деҳқончилик, ер, ниҳол ҳақида эринмай сўрайверар ва олган таассуротларини ён дафтарига ёзиб қўярди. Етук олимнинг бу ишидан ажабланиб қайтишда сўрадим:

— Ўзингизку қишлоқ хўжалик илмини сув қилиб ичиб юборгансиз. Лекин билмаганга олиб сўрашингиз мени ҳайрон қолдирди?

— Биламан, деб сўрамасам кўп нарсадан бехабар қоламан, — вазминлик билан деди у. — Бугун ҳам сўраб-сўраб бўлажак кашфиётим учун заррадек бўлса ҳам бир маъно топдим. Зотан, олтин ҳам зарралардан таркиб топадику.

Кейин тушундим. Дўстим олим бўлсада сўраб-сўраб ўрганиши, камтарлиги, илмдаги парвозига қўш қанот экан.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



ЯХШИДАН боғ қолади, дейди доно халқимиз. Шу учтагина сўз замирида қанчалар маъно бор. Бир киши ниҳол экади, парваришлайди, унинг мевасидан, жазирама иссиқда соясидан ўнлаб киши баҳраманд бўлади. Ғойибона — ўша кимлиги номаълум боғбонга раҳматлар айтади.

Шукур ака Файзиев Собир Раҳимов районидаги В. И. Ленин номидаги 28-мактабда боғбон бўлиб ишлайди. Бу киши касбини жуда севади. Боғбонликка ўқувчиларда ҳам ҳавас уйғотишга ҳаракат қилади. Толиби илмлар эса унинг яқин ёрдамчилари. Боғбон амаки шу кунларда мактаб ҳовлисига ёшлар билан ел ва безакли тут дарахтлари ўтқазади. Атрофини атиргуллар билан безади.

Равшан МУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: боғбон Ш. Файзиев ёрдамчилари билан.
Х. Мирзакаримов сурати.

Луқма

ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Ниҳол эккан билан ҳаммаёқ дарахтзор бўлиб кетавермайди. Бунинг учун ойлаб, ҳатто йиллаб парвариш қилиш керак бўлади. Машаққатини кўчат ўтқазиб, боғ қилганлар билади.


Мана, баҳорга ҳам етиб келдик. Эрта-индин дарахтлар куртак ёзиб, барг чиқаради, борлиқ яшил либосга бурканади. Нафас олаётган ҳавомиз мусаффолашади. Яъни биз табиатга мурувват қилсак, у икки баравар қайтаради.

Ушбу суратларга бир қаранг-а! Танаси бошқа — дард билмас, деганлари шу бўлса керак-да! Уларга ўйламай мих урган «шоввозларнинг «фаросат»ига балли-э! Шу дарахтларнинг тили бўлганда, айтишарди: «...Аввал ўзингга ур, оғримаса бировга», деб.

Хуллас, баъзи кимсалар бундан тегишли хулоса чиқариб олишади, деган умиддамиз.

Даврон АҲМЕДОВ.
Муаллиф суратлари.








Ҳодиса

ҚАДАҲ ТУБИДАГИ АЖАЛ

23 февраль куни номаълум жойда тайёрланган ичимликни татиб кўрган уч киши учун байрам фожиа билан тугади. Икки жуфт эр-хотин «эркаклар куни»ни нишонлашга аҳд қилди. Тошкентнинг Октябрь бозорида номаълум кишидан ўзлари «виски» деб ўйлаган ичимликни сотиб олиб, «Москва» ресторанига олиб келдилар. Чет элда тайёрланган ичимликдан бўшаган шишага ўта кучли заҳар — фосфоорганик инсекцитид солинган бўлиб чиқди. Ундан озгина татиб кўришлари биланоқ ҳушдан кетишди. «Тез ёрдам» жабрланганларни биринчи шаҳар касалхонасининг токсикология марказига олиб келди. Аёллардан бири кўп ўтмай жон берди, икки эркак ўта оғир аҳволда. Улар орасида қадаҳдан бош тортган бир аёлнинггина омади келди.

Ўзбекистон Ахборот агентлиги қўлдан сотиб олинган спиртли ичимликларни истеъмол қилиш билан боғлиқ фожиали ҳодисалар тўғрисида илгари ҳам бир неча бор хабар берган эди. Лекин бу фожиалар сабоқ бўлмаган кўринади.



⊙ **ҚАЙТА ТИКЛАНГАН БАЙРАМ**

Ана шундай энг сўнгги байрам бундан етмиш беш йил муқаддам ўтказилган эди. Мана, ниҳоят, орадан неча ўн йиллар ўтгандан сўнг миллий «Бургутчи» байрами вақтида ўргатилган қушлар билан ов қилувчи тажрибали овчилар ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этишди. Бу байрам Олмаотадаги Марказий стадионда бўлиб ўтди.

Байрамнинг эртаси куннёқ Олмаота яқинидаги «Дерегес» зотдор отлар заводи базасида республикада биринчи ўргатилган қуш билан ов қилувчи хавасқорларнинг хўжалиқ ҳисобидаги клуби ташкил этилди.

СУРАТДА:: отлиқ бургутчилар байрамни очиш вақтида.

(ТАСС) сурати.

⊙ **Қотиллик — мудҳиш жиноят. Нафс, адоват, ҳатто севги ҳам баъзан қотилликка олиб келиши мумкин. Аммо, мазахга қарши бош кўтарган орият-чи? У нималарга қодир? Агар у қотилликдан ўзга йўлни тополмаса, бу заифликдир. Баъзи одамлар табиатида бундай заифлик қачон ва қандай шароитда шаклланади? Балки, бугунги кун ана шундай заифликни кўтармас?!.**

...РАҲИМ хонага кириб келганида Шуҳрат қип-қизил қонга беланиб ётарди. Сочлари орасидан сизиб чиқаётган қон ерга ёйилган ва ҳатто девор, шифтгача сачраган эди. Унинг кўкраги тезтез кўтарилиб тушар, аммо овоз чиқаролмасди, тўлғанарди...

Бошида турган Абдусаттор бутунлай эсини йўқотган, оёқ-қўллари даг-даг титрар, нуқул «Энди нима қиламан, вой дод!» дея такрорларди. Шуҳратни касалхонага олиб кетишгач, бир зум ўтмай жони узилди. Бу қотиллик Тошкент ёнғинга қарши кураш инженерлик олий мактаби ётоқхонасида содир бўлди.

...Абдусаттор уйига ҳар навбатчиликдан хафақон қайтадиган бўлиб қолди. Онаси Улфат хола ўғлининг ишида қандайдир кўнгилсизлик бўлаётганини пайқаб юрарди. Бир куни Абдусатторнинг ўзи бу ҳақда оғиз очиб қолди.

Жамият ва қонун

ОРИЯТ ИСЁНИ

Суд очерки

— Она, мени қандай ишга олиб-бориб тиқдингиз? — деди алам билан у.

— Нега ундай дейсан? Ишинг яхши-ку, болам!

— Яхши эмас. Бошқа ишга ўтиб кетаман. Ёмонлар кўп, тинчлик бермаяпти.

Эртасига эрталаб Улфат хола ҳамма ишини йиғиштириб, ўғлининг ишхонасига борди. Бошлиқ ҳузурига кириб, уни ишдан бўшатишларини сўради. Абдусаттор уч йиллик шартнома билан ишга кирганлиги учун, ўз хоҳиши билан кета олмасди. Иш бошлаганига эса атиги беш ой бўлганди.

— Абдусаттор яхши хулқли йигит. Уни ишдан бўшата олмайман, — деди бошлиқ. — Бизга бундай интизомли йигитлар керак, холажон.

Улфат холанинг кўнгли бир оз таскин топиб, уйига қайтди.

Абдусаттор Алимов билан Шуҳрат Носиржонов Тошкент ёнғинга қарши инженерлик олий мактаби ётоқхонасида ўт ўчирувчи бўлиб ишлашарди. Абдусаттор болаликдан содда ва тўпори бўлиб улғайди. Шу билан бирга ўта юввош, гап кўтарадиган, сабр-тоқатли, дардини ичига ютадиган тоифалардан эди. Шуҳрат эса аксинча, у унинг ана шу содда ва тўпорилиги учун доимо устидан кулиб, мазах қилиб юрарди. Кези келганда инсоний қадр-қимматини ҳам камситиб кун бермас, ҳатто тушлик учун олиб келган 2 — 3 сўмини ҳам «Биров экар, биров бичар» деганларидек, тортиб оларди. Бу ҳам етмаганидек, баъзан 1000 — 2000 сўм пул топиб беришини талаб қилиб, қистовга олар, дўқ-пўписа қиларди...

Соат етти ярим... Учрашув роппа-роса 6.00 га белгиланган бўлса-да, Абдусаттор Насибани тоқат билан кутарди. Унинг келмаслигига ишонгач, шашти пасайиб, нима қилишни билмай узоқ туриб қолди. «Нима бўлди экан. Ваъдаси жиддий эди-ку! Турмуш қуришга аҳдлашишган эдик-ку! Ёки ниятидан қайтдимикин?! — бетоқат бўлиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Уйига кетай деса оёғи тортмади. Навоий номли колхозга борадиган охирги автобус соат 7.00 да жўнаб кетган. Ишхонага борса, яна ўша Шуҳратнинг сменаси. Кўз олдида унинг одатдаги масхарамуз тиржайган қиёфаси пайдо бўлди:

— Ҳа, қишлоқи, ҳарф. Сенда пул кўп. Бозорда гул сотасан. Сенда бўлмай кимда бўлсин. Лекин ғиртсан, ҳарами...

Абдусатторнинг юраги ғашланди. Бир оз ўйланиб турди-да, кинога патта олди. Кинодан чиққанида эса анча кеч бўлиб қолганди. У ётоққа қараб йўл олди.

Шуҳрат Абдусатторни кўриб ажабланди.

— Ишинг бўлса кетавер. Мен шу ердаман, автобусга етолмадим, — деди Абдусаттор устки кийимларини ечаркан. У чойнакни олиб ташқарига чиқаётиб, йўлакда Валерий Арфин билан Юрий Беляевларни учратиб қолди.

— Келинглар, чой ичамиз, — Абдусаттор уларни хонага таклиф қилди.

Тўрталаси алламаҳалгача гурунглашиб ўтиришди. Валера билан Юра ҳам хонадан чиқиб кетгач, Шуҳрат яна ўзининг эски нағмасини бошлади. Абдусатторнинг иззат-нафсига тегадиган сўзлар билан ҳақоратлаб, ташқарига чиқиб кетди.

Абдусатторнинг томоғига аччиқ алам тиқилгандек бўлди. Базўр ютиниб, омонатгина ўрнига чўзилди. Унинг дашномлари бўғзигача келган кунларнинг бирида Шуҳратни йўқ қилишга жиддий қарор қилганлигини эслади. Ўшанда укаси Аваз йўлдан қайтариб, қўлидан пичоғини олиб қўйганди.

«Агар ҳақиқатан ҳам Шуҳрат айтгандек «гўл» бўлмаганимда, — дея ҳаёлан ўзини-ўзи койий бошлади, — унинг сўзи билан Азиз Умаровнинг ётоғига кириб, унинг куртқаси ва Наташанинг омборидан автомашинанинг иккита шинасини ўғирлармидим?». Назарида охирги пайтлар Наташа унга нисбатан бошқачароқ муносабатда бўлиб қолгандек. Азиз ёнига келиб куртқасини қайта-қайта сўради. Шуҳрат эса уни аҳмоқ қилиб, курткани ҳам, шиналарни ҳам олиб кетди. Ўй-хаёллар оғушида эндигина кўзи илинган ҳам эдики, қандайдир турткидан уйғониб кетди. Кўзини очди. Шуҳрат унинг устидан сакраб ўтаётганди. Абдусаттор унинг қўлидаги ўт ўчирувчилар болтасини кўриб, сапчиб ўрнидан турди.

— Нега устимдан ҳатлаб ўтасан. Айтсанг ўрнимдан тураман-ку!

Шуҳрат қўлидаги болтани унинг оёғига секин-секин уриб, киноялн сўзлар билан мазах қила бошлади.

— 200 сўм пул керак, Саттор. Қаердан бўлса ҳам топасан.

— Овора бўласан. Менда пул йўқ. Ўзимни зўрга эплаб юрибман.

Унинг жавобидан тепа сочи тикка бўлган Шуҳрат бўралатиб сўка кетди...

Аллақачон лиммо-лим тўлган косага охирги томчининг ўзи кифоя эди. Абдусатторнинг ана шу бир лаҳзалик хатти-ҳаракати ойлар-кунлар давомида тепки еган ориятнинг исёни эди. У Шуҳратнинг қўлидан болтани тортиб олди-ю, кетма-кет бошига зарба туширди. Шуҳрат «шилқ» этиб ерга йиқилди...

* * *

АБДУСАТТОР отасиз ёлғиз онасининг қўлида ўсди. Отаси эса у тўрт ёшидаёқ оламдан «сирли» ўтиб кетди. У онлада тўнғич фарзанд эди. Эсини танибдики, рўзғорни онаси билан бирга тебратади. У эрта тонгдан то қош қорайгунча даладан келмасди. Тинкаси қуриб уйга қайтганида ҳам тиним билмай тирикчилик қиларди. Кунлар ана шундай бир хилда давом этарди.

Елкасида оғир юкни кўтариб келаётган одамнинг юзларидан зўриқиш ва алам ифодаси-ю, хаёлида манзилга етиб олишдан бошқа нарсани кўриб бўлмаганидек, Абдусатторнинг чеҳрасидан ана шу машаққатли кунларни ўтказиш-у, янгисини кутиб олишдан бўлак ифодани уқиб бўлмасди. Нигоҳларига турмуш қийинчиликлари солган тамға унинг ички қоқшоқ дунёсини очиб турарди. Ахир инсоннинг тўлиқ камолоти унинг талаб эҳтиёжларини етарли қондирилишида эмасми?!

Абдусатторнинг содда, юввош ва шу билан бирга ўта тўпори бўлиб улғайишига ҳам балки худди ана шу муҳит сабаб бўлгандир. Қандай бўлмасин у ўзига нисбатан кўрсатилган таҳқир, алам ва ситамларга чидади. Уларни ичига ютди. Ҳеч нима айтмади. Бўғзига етгунича индамади. Охири бўғзидан хиппа бўғганидагина бирдан «пов» этиб ёнди-ю, ҳеч нарсани мулоҳаза қилмай; ўзини жиловлай олмади.

— Ўзини «жиловлай олмаслик»нинг моҳияти нимада? Биз уни заифлик, деб баҳоладик. Нима учун у ўзини вақтида ҳимоя қила олмади? Нимага шу кунга қадар ўзини таҳқирланишига йўл қўйди? Абдусаттор ўз табиатига кўра бундан бошқа йўлни тутишга ҳам ожиз эди...

Изқуварлар содир бўлган бу қотилликни синчиклаб текширдилар. Абдусаттор билан Шуҳрат ўртасидаги муносабат ва бўлиб ўтган гап-сўзларнинг нақадар тўғри ва нотўғри эканлиги далиллар билан исботланди.

Ўт ўчирувчилар мактабининг ётоғида катта ўт ўчирувчи Раҳматилла Соиповнинг гувоҳлик беришича, Шуҳрат ундан бир неча маротаба 1000 ва 2000 сўм пул сўраганини, ўлимидан икки ой олдин ҳам 2000 сўм керак, бўлиб қолганлигини айтган. Ундан ташқари кўпинча, 3 сўм ёки 5 сўм олиб, қайтариб бермай юрадиган одати ҳам борлигини маълум қилади.

* * *

ҚОННИ қон билан эмас, қонни сув билан ювадилар...

Абдусатторни ИВС бўлимидаги камерага қайтиб олиб кирганларида, у қатиқ ҳаяжонда эди. Титроқ қўллари билан сочларини чангаллаб, энтикиб-энтикиб сўкинарди. Унинг бу ҳолати бир неча дақиқа давом этди. Олег тинчлантирмоқчи бўлиб, яқинроқ келди. Бироқ, бефойда эканлигини тушунди-ю, яна ортига тисарилди. Унинг кўз атрофлари кўкариб, юзининг бир томони эса шишиниқираган эди.

Ниҳоят Абдусаттор ўзини бир оз босиб олгандан кейингина жавоб берди:

— Яна бир одамни ўлдирганман деб бўйнимга олишимни талаб қилишаяпти, — деди у титроқ овозда.

«Бу қандай ҳол... Бу қанақаси...» — бетоқат бўлиб хонанинг у ёғидан бу ёғига юра бошлади. Ўзини қаерга қўйишни билмасди. Тупроқ кавлайвериб қавариб кетган онасининг қўллари ва укаси Аваз кўз олдидан нари кетмайди.

«Наҳотки, улар ҳам ана шундай ҳоналарда бўлишса?! Миясн аринниг уясидай говлай бошлади. «Ахир мен қотилман-ку! Бир одамнинг ўмрига завол бўлдим. Наҳотки, одам ўлдирганимдан кейин ҳам менда ачиниш, меҳр-оқибат ҳиссиётлари кўтарилмаётган бўлса?.. Жигар-жигар экан-да». Назарида даҳшатли ва ёқимсиз туш кўраётган эди.

«Яхшиликча бўйнинга олмасанг, онанг ва укангни қамоқдан чиқармайман». Терговчи Боймухановнинг бу сўзлари қулоғининг остида қайта-қайта жаранглай бошлади. Деворга суянганича, бўшашиб ерга чўкди. Олег уни юпата бошлади.

«Яхшиям-ки, шу бола бор экан, хаёлидан ўтказди у. У бўлмаганида, ёлғиз ўзим ёрилиб кетармидим?», — кўнглидан шу фикр ўтди-ю, камеранинг панжара эшиги шарақлаб очилди. Олег Карлаусовни олиб чиқиб кетишди.

— «Худо буниям менга кўп кўрди шекилли», — дея алам билан ерга тупурди.

Олегни олиб кетишганидан сўнг бир муддат ўтар-ўтмас камерага тўртта бақувват барзанги йигитлар кириб келишди. Учтаси ўзбек, биттасининг қисиқ кўзлари унинг қозоқ миллатига мансуб эканлигидан далолат берарди. Улардан бири Абдусатторни бир тепди-ю ўтирган жойидан ерга думалатди. Оёғини унинг кўкрагига қўйганича виқор билан сўради.

— Яхшиликчa, Рўзиметов Мадраҳимни ўлдирдим, деб бўйнингга оласанми ёки йўқми?

— Йўқ!..

Барзангилар тоза «пўстаги»ни қоқиб чиқиб кетишди. Абдусаттор уларнинг қачон чиқиб кетганликларини ҳам билмайди. Камеранинг туйнугидан тушиб турган ёруғ кўздан ғойиб бўлиб, хона батамом зимистонга айланганидагина ўзига келди.

* * *

...Н. БОЙМУХАНОВ Тошкент шаҳар прокуратурасида катта терговчи бўлиб ишларди. Баҳористон кўчаси 8-уйда содир бўлган жиноят устидаги иш билан машғул эди. Абдусатторнинг ҳудди шу вақтда қамоқхонага тушиши айни муддао бўлди. У Алимовнинг иши билан танишар экан, миясига бир хаёл келди. «Абдусатторнинг заиф табиатидан ўз мақсадида фойдаланса бўлар экан. Сал қистовга олинса, бас. Секин йўлингга тушади чоғи», — ўйлади у. — Бунинг устига содда... Ваъдаларингга осонгина ишонади».

Ана шундай хаёллар билан Алимовни сўроққа чақиртирди. Дастлаб кўнглидаги иш бўлмади. Иккинчи марта... Ниҳоят учинчи гал аҳволни ётиғи билан тушунтирди. Агар айтганларига кўнса, жазони енгиллатиб беришини бўйнига олди.

Абдусаттор бошини ҳам қилганича, узоқ сукутга чўмди. Уни қаттиқ жазо кутарди. Е жазо ёки Боймуханов шартига кўниш, иккисидан бирини танлаши керак. Ҳар ҳолда бўйнига олса, жазоси енгиллашади-ку! Шуларни ўйлади-ю, розилик билдирди. Ўз мақсадига осонликча эришган Боймуханов мийиғида кулиб қўйди. Сўнг Баҳористон кўчаси, 8-уйнинг тайёр чизилган схемасини Абдусатторга кўрсатиб: — Ҳозир шу ерга борамиз. Мен савол бераман, сен жавоб берасан, — деди. — 4 январь куни Шуҳрат, ўзинг ва яна битта шахси номаълум одам билан бу уйга бостириб кирганлигингни айтасан. Мадраҳимни Шуҳрат ўлдирганлигини, сен эса уни қандай ушлаб турганлигингни кўрсатасан.

— Баҳористон кўчаси 8-уйга бормаган бўлсам қандай кўрсатиб бераман, — деди Абдусаттор қаяжонланиб.

— Биз ўтирган машинанинг олдида Акмал исмли милиция ходими «СИ» номерли оқ рангли «Жигули» автомашинасида боради. Шу машина қаёққа юрса, сен ҳам шу ёққа, деб кўрсатиб борасан, тушундингми?

Улар машинага чиққанларида, ҳақиқатан «СИ» номердаги оқ рангли машина олдинда борарди. Абдусаттор эса унинг ортидан йўл кўрсатиб кетаверди.

Аммо Абдусаттор «Қонни қон билан эмас, қонни сув билан ювиш» ҳақидаги нақл маъносига тушунмади. У ўз қилмишини яна бир қаллоблик билан енгиллатиб бўлмаслигини англамади. Абдусаттор вояга етган муҳит уни яна бир бор «чув» туширди. Алимов ўша дастлабки лаҳзаларда қотилликдан бошқа йўлни тополмаганидек, ҳозир ҳам бундан ўзгача йўл танлашга ожиз эди. Чунки Боймуханов Абдусатторнинг бу ожизлигини ўз вақтида илғаган ва шунинг учун жиноятчилар орасидан айнан уни танлаб олганди.

Алимов иккинчи жиноятни ҳам бўйнига олганида уни ертўладаги камерага кўчиришди. Бу ер аввалларн бир неча маротаба судланган, жазони қаттиқ режимда ўтайдиганлар учун ажратилган эди. Ўзининг қилган ишидан «юраги пўкиллаб» турган Абдусаттор учун бу кутилмаган «ҳол» эди. Ахир у жазони енгиллатишларига астойдил ишонганди-да! «Тоштурма»га эмас, жазони енгилроқ ўташга белгиланганлар орасига кўчиришди, деб хаёл қилганди.

...Нигоҳлар камерага ҳозиргина олиб келишган янги шерик сари қадалди. Кўзларга муҳрланган бир қолипдаги шафқатсиз бу нигоҳларни кўриб Абдусатторнинг юраги орқага тортиб кетди. Тўрт девор орасида ўз ҳиссиётларини эркин қўйган бу йигитларнинг гап-сўзи, юриш-туриши ва бутун вужудига сингиб кетган қаллобликдан ўтакаси ёрилай деди. «Қилт» этиб ютинди-ю, алданганини тушунди. Беихтиёр эшик сари отилиб, уни тепа бошлади. «Нотўғри тергов олиб боргани учун Боймуханов устидан шикоятн борлигини» айтиб бақира бошлади. Унинг бу ҳаракати бошқаларнинг жиғига тегди шекилли, улардан иккитаси унинг ёнига келиб, қўлини орқасига қайирди, сўнгра ерга улоқтирди. Шундай қилиб «янги шерик»ни калтак билан сийлашди.

...ТОШКЕНТ шаҳар судининг аъзоси Низом Рустамов раислигидаги суд ҳайъати Абдусаттор Алимовга қўйилган қўшимча айб устида жиддий шуғулландилар. Далиллар қайта-қайта текширилди. Алимовнинг Мадраҳим Рўзиметовни ўлдириш жараёнида берган кўргазмалари изчил ўрганилди. Ниҳоят, Алимовнинг тергов даврида бўйнига олган кўргазмасини тасдиқловчи биронта далил йўқ, деган хулосага келди. У Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 127-моддаси III қисми ва 80-моддасининг биринчи банди билан оқланди. Шу билан бирга у содир этган жиноят, яъни Шуҳрат Носиржоновни қасддан ўлдирганлиги учун Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 81-моддасида кўрсатилган жазо тайинланиши лозим, деб топилди. Суд Абдусаттор Алимовни 10 йилга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек, суд ҳайъати ушбу жиноий иш бўйича тергов ходимлари ўз вазифаларини суиистеъмол қилганликлари тўғрисида ҳам аҳрим чиқарди. Тошкент шаҳар прокуратураси бу воқеага сўнгги нуқта қўяди, деган умиддамиз.

Комила СУЛТОНОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
29, 30 МАРТ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

«БАҲОР ХАЁЛОТИ»

КОНЦЕРТЛАРИ

ОЛЕГ ВА РОДИОН ГАЗМАНОВЛАР
ВА
НАТАША ПУШКОВАЛАР

Ўзларининг «Люсн», «Трубочист», «Маугли», «Светлячок», «Эскадрон», «Моя девчонка» қўшиқларини ижро этишади.

Касса соат 11 дан бошлаб 19.00 гача очиқ.
Маълумотлар олиш учун телефон — 45-92-13.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

ЯНГИ ИККИ СЕРИЯЛИ

«ТОШКЕНТ ҚИШИ»

(ном шартли қўйилган)

ТЕЛЕВИЗИОН БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ СУРАТГА ОЛИШ УЧУН АҲОЛИДАН

30-40 йилларда тайёрланган ёзлик кийим-бошлар, пойабзаллар, рўзғор анжомлари, уй жиҳозлари, мебелларни

СОТИБ ОЛАДИ

Қуйидаги маконга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй, «Ўзбекфильм» киностудияси.
Телефонлар: 77-09-81, 77-95-85.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Главташкентстрой»нинг ҳажмли-блокли уйсозлик экспериментал комбинатига:

қолипловчилар, арматурачилар, электр монтерлар, пўлат ва темирбетон конструкцияларни монтаж қилувчи монтажчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, электр пайвандчилар, бетон қориш узелининг мотористлари ва операторлари, автокранчи, слесарлар.

Корхона янги ишга кираётганлар билан 1990 йилда кам оилали кишилар учун бир йил мобайнида ётоқхона ва 4 йил мобайнида Тошкент шаҳрида пропискада туриш турмаслигидан қатъий назар шинам квартира бериш юзасидан шартномалар тузади.

Ёлғиз кишилар ётоқхонада жой билан таъминланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй — Сергели район аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини моделлаштирувчи бичиқчи (расмдан имтиҳон топширилади), тикувчилик ишлаб чиқариши оператори, эркаклар ва аёллар кийимларини тикувчи.

Таълим муддати — 11-синф маълумоти билан — 6 ой (мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида (МУПК) таълим олган ва бичиш ва тикиш курсларини тамомлаганлар); 9-синф маълумоти билан — 2—3 йил.

Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9 ва 11-синф ўқувчиларини ҳам билим юртига ўқишга таклиф қиламиз. Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга касб ўргангани ва тўлиқ ўрта маълумот олгани ҳақидаги диплом берилади.

Билим юртига 11-синфни тамомлаб ўқишга кирган ўқувчиларга таълим даврида 30 сўм стипендия берилади, 9-синфни битириб ўқишга кирганлар эса, тўла давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

Билим юртини «аъло» баҳога тамомлаганларга институт ва техникумларга кириш учун йўлланма берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти қошида тикувчилик буюмлари тайёрлаш бўйича «Эҳтиёж» ширкати ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги аттестат (гувоҳнома), паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), мактабдан характеристика.

Қуйидаги манзилда жойлашган билим юртига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 63-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефон — 35-62-41, ички телефон 2-62 (9, 18, 19, 21, 24, 26, 47, 51, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин-мавзу кўчаси, 136-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали. Телефон — 48-64-04, (10э 43, 88-автобуслар; 19, 27-трамвайларнинг «Шимолий Олмазор» бекати).



33-29-33 — С. Б. Ёқубов, муҳаррир ўринбосари
33-57-02 — А. М. Акромов, масъул котиб
32-55-21 — А. Н. Абдуллаев, катта мухбир

БЎЛИМЛАР

⊙ **Партия турмуши, совет қурилиши ва шаҳар хўжалиги:**
32-57-84 — Т. М. Тошев, мудир
32-55-52 — М. О. Комилжонов, мухбир
32-53-66 — Р. З. Аҳмадалиев, мухбир
32-54-34 — Ф. А. Ҳусанова, мухбир

⊙ **Иқтисод:**
32-54-19 — Ҳ. И. Икромов, мудир
32-54-34 — В. Т. Мадимарова, мухбир

⊙ **Ижтимоий масалалар:**
32-53-10 — Т. А. Расулев, мудир
32-58-85 — Р. А. Бобомуҳамедов, мухбир
32-58-85 — С. Б. Шодиев, мухбир

⊙ **Ахборот:**
32-55-39 — Р. Н. Файзуллаев, катта мухбир

⊙ **«Маҳалладош» иловаси.**
32-53-66 — А. С. Нуримов, мухбир

⊙ **Хатлар:**
33-29-70 — З. М. Аъзамхўжаева, мудир
32-57-74 — Т. Қ. Каримов, сураткаш-мухбир

⊙ **Эълонлар:**
33-81-42.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/III да — **БОРИС ГОДУНОВ.**
2/III да — **ОҚҚУШ КЎЛИ.**
3/III да — **ПИКОВАЯ ДАМА.**
4/III да — **КОППЕЛИЯ (12.00), БИР ПАРДАЛИ БАЛЕТЛАР (19.00).**
8/III да — **КОНЦЕРТ.**
9/III да — **СПАРТАК.**
13 III да — **МАСХАРАБОЗЛАР.**
14/III да — **СЕВГИ АФСОНАСИ.**
15/III да — **ЗЕБУННИСО.**
16 III да — **РАЙМОНДА.**
17/III да — **ФАУСТ.**
18/III да — **ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН (12.00), ЖИЗЕЛЬ (18.00).**
20/III да — **МАЙСАРАНИНГ ИШИ.**
21/III да — **ТЎМАРИС.**
22/III да — **АИДА.**
26/III да — **УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ (12.00), ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (19.00).**
27/III да — **ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ЧИПОЛИНО (18.00).**
31/III да — **ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (18.00).**

А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри маъмурияти томошабинларга шанба ва якшанба кунларидаги кечки спектакллар март ойида соат 18.00 да бошланишини маълум қилади.

Кундузги спектакллар соат 12.00 да, кечки спектакллар — соат 19.00 да бошланади.

Маълумотлар олиш учун телефон — 33-90-81.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22, 23, 24, 25 март соат 16.00 да ва 19.30 да

ФАҚАТ 4 КУН

«ДИНАМИК» ГРУППАСИНИНГ БОШҚАРУВИДА

ВЛАДИМИР КУЗЬМИН ЎЗИНИНГ

«ҚАЧОНКИ МЕН БОШҚА ОДАМ БЎЛИБ ҚОЛСАМ»

ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Касса — соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-35-87, 44-29-04, 44-18-12.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/III да **Борис Годунов**, 2/III да **Оққуш кўли**, 3/III да **Пиковая дама.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/III да **Мушкул савдо**, 2/III да **Концерт**, 3/III да **Анажука совчилар** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Польшанинг «Варшава» цирки ва совет цирки усталарининг гастроллари** (19.00).

КИНО

1 МАРТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (катта зал, 17.30), «ХОН ГИЛЬ ДОН» (кичик зал, 18.20).

Чайка — «СУЛТОН БЕЙБАРС» (18.15, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОШИҚ ЭРКАК» (жуфт соатларда).

Восток — «ДЕЖА ВЮ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.45).

Москва — «ДЕЖА ВЮ» (17, 19, 21).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ—II» . (18.30, 21.00).

2, 3, 4 МАРТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (катта зал, 11, 14, 16, 18.20). «ХОН ГИЛЬ ДОН» (кичик зал, 12, 14, 16, 18.20).

Чайка — «ХОН ГИЛЬ ДОН» (10.30, 12, 16.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОШИҚ ЭРКАК» (жуфт соатларда).

Восток — «ДЕЖА ВЮ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ДЕЖА ВЮ» (17, 19, 21.00); «ОҲНАВАНД ЙЎЛАК» (11, 13, 15.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-II» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Т. Содиқов номидаги шаҳар Маданият уйининг

«КОНТАКТ-КЛУБ»
ТЕАТР-СТУДИЯСИ

қуйидаги вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— эстрада программаларининг энг яхши бошқарувчиси,

— оригинал жанр артисти,

— концерт томошаларининг сценаристи.

Мурожаат учун телефонлар — 55-25-37, 55-23-72, 55-38-66.

Адрес: Тошкент шаҳри, Буденний кўчаси, 123-уй (2, 3, 57, 80, 98-автобусларнинг «ГАИ» бекати).

Тошкент автомобиль йўллари институти ректорати, партия, касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда сиёсий иқтисод кафедраси жамоаси шу кафедранинг катта ўқитувчиси М. К. Абдуганиевага онаси

Мастона АЪЗАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри жамоаси театр актери, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳ. Арслонова отаси

Салом АРСЛОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент телеграф-телефон станцияси жамоаси бошлиқ ўринбосари У. С. Соатовга рафиқаси

Зуҳра СОАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятининг жамоаси кекса ходим, партия ташкилоти котиби

Турсумат Шамшиевич МУСАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш саноат бирлашмасининг жамоаси бўлим бошлиги З. С. Каримовга отаси

Салим КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Совет савдоси техникуми томонидан **Жўраев Жоҳонгир Қобилович** номига берилган 898399 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03137.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.